260496

ЮНЕСКО ЎЗБЕКИСТОННИ ШАРАФЛАЙДИ

Париж, 24 апрель. (Фахриддин Низом хабар қилади). Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча куннинг иккинчи ярмида ЮНЕСКО қароргоҳига ташриф буюрди ва мазкур халқаро ташкилот бош директори Ф. Майор жаноблари билан учрашиб, суҳбатлашди.

Суҳбат сўнггида Ф. Майор жаноблари ва Узбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С. Саидқосимов ЮНЕСКО ва Узбекистон Республикаси ўртасидаги битимга имзо чекишди. Мазкур битим Тошкентда ЮНЕСКО ваколатхонасини очиш, ушбу ташкилот билан мамлакатимиз ўртасида фан, маданият ва таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш, Орол денгизи муаммосини илмий асосда ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш каби кўплаб масалаларни ўз ичига олади.

Шундан сўнг Ислом Каримов ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 149-сессиясининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади. Президент анжуман аҳлига Узбекистонни таништирди, мазкур халқаро маданият ва маърифат муассасаси 50 йилдан буён дунёнинг барча халқларини тенг кўриб, уларнинг ўтмиши, бугунги куни, ўзига хос яшаш тарзи ва хилма-хил маданиятини бирдай эъзозлаб келаётганига юксак баҳо берди. Президент, жумладан, ўтмишсиз келажак бўлмаганидай, ҳамкорликсиз ҳамда маданият ва ақл-заковат интеграциясисиз тараққиёт ҳам бўлмаслигини таъкидлади. Зеро, маданий ҳамкорлик халқларни бир-бирига яқинлаштиради, низоларга чек қўяди.

Президент ЮНЕСКОнинг бу борадаги барча тадбирларини,хусусан, «Ипак йўли — мулоқот йўли» истиқболли дастурини қўллаб-қувватлашини билдирди. Айниқса, келаси йили кўҳна Ипак йўли бўйида жойлашган Бухоро ва Хева шаҳарлари 2500 йиллигининг ЮНЕСКО миқёсида нишонланиши Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатларни яна бир бор дунёга танитишда муҳим аҳамият касб этади.

ЮНЕСКОда ўрта асрлар фани, маданияти ва маърифати ҳомийси, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланиши муҳим воқеа бўлди. Бу ташкилотнинг нафақат Узбекистон, қолаверса, бутун Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятига бўлган эҳтироми белгисидир. Президент таъбири билан айтганда, бу маданият, бу тарих халқларимизни истибдод йилларидан омон олиб ўтди, ўзлигини йўқотишига йўл қўймади.

Ислом Каримов ЮНЕСКОга эҳтиром белгиси сифатида унинг Ижроия Комитетига ўзбек рассомлари ижодига мансуб бир сурат совға қилди.

Президент И. Каримов ва ЮНЕСКО бош директори Ф. Майор мазкур ташкилот қароргоҳида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказишди.

Бош директор жаноблари ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг равнақи» мавзуидаги кўргазма намойиш этилишини Узбекистон маданий ҳаётида муҳим воқеа деб баҳолади. Бу кўргазма Узбекистоннинг дунё ҳамжамиятига қўшилиш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Ислом Каримов Узбекистон ўз келажагини фақат дунё ҳамжамияти билан интеграцияда кўришини, унинг қўҳна тарихи ва бой маданияти буюк келажак сари дадил одимлаш имконини беришини таъкидлади ва ЮНЕСКО бош директори Ф. Майорга Амир Темурнинг 660 йиллигини нишонлаш, ЮНЕСКО залида номи зикр этилган кўргазмани уюштиришда берган кўмаги учун миннатдорлик билдирди.

Матбуот конференциясида мухбирларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарилди.

Шундан сўнг Узбекистон Президенти ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг равнақи» кўргазмасининг очилиш маросимида нутқ сўзлади. Ўрта асрларда яшаб ўтган бобокалонимиз шарафига уюштирилган бундай тадбирнинг барҳаёт тарих, маърифат, маданият, мангу гўзаллик нафаси уфуриб турган Париж шаҳрида ўтказилиши катта рамзий маънога эга эканини айтди. Ҳолбуки, Европа халқлари ўз халоскори бўлмиш Амир Темур ҳазратларига бу ерда аллақачон ҳайкал қўйган эди.

Шу маънода Франция Президенти Жак Ширак жаноблари Узбекистон Президенти Ислом Каримовга Амир Темурнинг 1402 йили Франция қироли Карл VI га ёзган мактуби нусхасини топширгани Соҳибқироннинг 660 йиллигига муносиб совға бўлди. Бундан олти аср муқаддам Амир Темур ҳазратлари француз савдогарларини ўз юртига чорлаган бўлса, бугун Узбекистон Президенти француз ишбилармонларини ўзаро фойдали ҳамкорликка даъват этмоқда. Бу ҳам чуқур рамзий маънога эга. Маданий алоқалар иқтисодий ҳамкорликка муҳим пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Кўргазманинг очилиш маросимида Франция Республикаси Президенти Ж. Ширак ва ЮНЕСКО бош директори Ф. Майор иштирок этишди. Ислом Каримов шу маросимда Узбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, Марказий Осиё халқларининг бой маънавий меросини тарғиб қилиш, «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро дастурини амалга ошириш борасидаги буюк хизматлари учун Ф. Майорга Узбекистон Республикасининг «Дўстлик» орденини топширди. Франциялик машҳур олим Люсьен Керэн эса Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига, Темурийлар даврига бағишланган кўп йиллик тадқиқотлари, Узбекистон ва Франция халқлари маданиятларини ўзаро яқинлаштириш борасидаги хизматлари учун Узбекистон Республикасининг «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

И. Каримов, Ж. Ширак ва Ф. Майор кўргазма экспонатлари билан танишишди. Бу кўргазма унга ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди.

Шу куни кечқурун ЮНЕСКОда Узбекистон ҳукумати номидан зиёфат берилди. Узбек санъат усталари катта концерт дастурини намойиш этишди.

***

24 апрель куни Узбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Франциянинг яна бир муҳим иқтисодий маркази бўлмиш Лион шаҳрига ташриф буюради. Президентнинг шаҳар маъмурияти ва ишбилармон доиралари билан учрашувлари кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 25 апрель, пайшанба № 50 (21.971).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК, ҲАМКОРЛИКСИЗ ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ижроия Кенгаш раиси жаноблари!

Бош директор жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга анжуманингизда, жаҳондаги атоқли интеллектуал кучлар анжуманида Ўзбекистон номидан гапириш шарафи муяссар бўлгани учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан сиз — анжуман иштирокчиларини шонли юбилей — жаҳон назарида ҳақли равишда энг нуфузли маънавият ва эзгулик ташкилоти ҳисобланадиган ЮНЕСКОнинг 50 йиллиги билан муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

ЮНЕСКОнинг ноёблигини биз энг аввало сайёрамиздаги катта ва кичик халқларнинг ўтмиши ва бугунги кунига бир хил ҳурмат ҳамда авайлаб қилинаётган муносабатни сақлаб қолган ҳолда, ЮНЕСКО доирасида ўзига хос ва бетакрор миллий маданиятлар ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқларини кенг намойиш этиш учун гўзал имкониятлар яратилаётганида кўрамиз.

ЮНЕСКО — халқаро ташкилот сифатида бугунги кунда илм-фан, маданият ва маорифнинг миллий тизимларини бирлаштирган ҳолда, айни пайтда уларни жаҳон интеллектуал тараққиётининг интеграция тажрибаси билан бойитаётган, халқларни бутун инсониятнинг жуда бой маънавий мероси билан ошно қилаётган кўприкка айланган.

ЮНЕСКОнинг барчага — катта ва кам сонли халқларга ўз тарихий ва маданий ютуқларини намойиш этиш, уларнинг жаҳон интеллектуал маконига интеграциялашуви йўлидаги интилишларини рўёбга чиқариш учун мутлақо бир хил имконият яратиб бераётган муҳим халқаро анжуман сифатида тутган ўрни беҳаводир.

Биз ўтмишсиз келажак бўлмаганидек, ҳамкорлик ҳамда маданий ва интеллектуал маконнинг интеграциясисиз тараққиёт ҳам бўлмаслигига аминмиз.

Шунинг учун ҳам тараққиётнинг мустақил йўлидан бораётган Узбекистон ЮНЕСКО билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда, жаҳоннинг эзгулик сиёсатини ривожлантиришда иштирок этиш мақсадида халқаро миқёсда маънавий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун очилдимизда очилаётган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланмоқда.

Бош директор Федерико Майор жанобларининг яқинда мамлакатимизга ташрифи ЮНЕСКО билан алоқаларимизни янада янги босқичга кўтарганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биз ЮНЕСКО Ўзбекистонга бераётган эътибор учун жуда миннатдормиз. Бу — илдизлари асрлар қаърига туташган, уч минг йилликдан кўҳнароқ тарихимизга бўлган эҳтиромдир. Биз бунда қадимий маданиятимиз, ноёб маънавий қадриятлар ҳамда ўлкамизнинг улкан салоҳиятига бўлган қизиқишни кўрамиз. Ниҳоят бу — ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг эътироф этилишидир.

Амударё билан Сирдарё ўртасида жойлашган ҳамда **Мовароуннаҳр** ёки **Туркистон** номлари билан машҳур ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳисобланган, Буюк ипак йўлидаги боғловчи марказий ҳалқа, Шарқ ва Ғарб учрашадиган, уларнинг фаол савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги туғиладиган жой бўлган.

Мамлакатимиз тарихи шавкатли номларга бойдир. Биз буюк **аждодларимиз — Ал Бухорий, Ат Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Бобур** ва бугунги кунда бутун дунёга машҳур бошқа шарқ донишмандларини ёд этамиз ҳамда улар билан фахрланамиз.

XIV асрдаги улкан ва ёрқин сиймо — Амир Темурнинг тутган ўрни ва унинг аҳамиятига алоҳида тўхталишни истар эдим. Амир Темур жаҳон тарихига қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, ўрта аср дунёсининг ҳаёт маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалари билан машҳур Самарқандни унинг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатидагина кирган эмас.

Амир Темур олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоирлар, ҳофизу машшоқларга ғамхўрлик қилишда ҳам ном қозонган эди. **Темурийлар даври ҳақиқатан ҳам илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад равнақ топишини таъминлаган Шарқ уйғониш даври эди.**

Биз бу йил Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга қарор қилгани учун ЮНЕСКОдан самимий миннатдормиз.

Бугун Парижда сизларнинг иштирокингизда очиладиган маданият ҳафталиги тарихдаги бу буюк шахснинг кенг миқёсда шарафланишининг бошланишидир.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни шу йил октябрь ойида Тошкент ва Самарқандда ўтказиладиган юбилей байрамимизга таклиф этишни истардим.

1997 йилда ЮНЕСКОнинг қарорига биноан Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллиги кенг нишонланади. Ўзбекистонда жаҳон маданиятининг ноёб гавҳарлари бўлган, жаҳон мероси рўйхатига киритилган бу қадимий шаҳарлар юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон — тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларни санаб адоғига етиш қийин бўлган мамлакатдир.

Уларни объектив равишда илмий ўрганиш учун тинимсиз тадқиқотлар олиб бориш керак.

Шу муносабат билан қадимий Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этгани учун ЮНЕСКОга самимий миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Мазкур институт бу қадимий минтақадаги цивилизациянинг мислсиз парвозлари ва оғир қулашлари тарихини ўрганишда ўз ҳиссасини қўшишига, шунингдек бу минтақанинг XXI асрда гуркираб ривожланиши истиқболлари хусусида жиддий илмий мунозаралар уюштириб, бу истиқболларни қидириб топиш йўлларини аниқлашига аминман.

Мен, Ўзбекистон Президенти сифатида, турли мамлакатлар олимларининг Самарқанд институти раҳнамолигида ғўзал кўп жилдлик халқаро тадқиқот — **«Марказий Осиё цивилизациялари тарихи»** сингари йирик илмий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларига ҳар томонлама ёрдам беришга ва уларни тўла қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Раис жаноблари!

Қайтадан ўз эрки ва мустақиллигини қўлга киритган янги Ўзбекистоннинг асосий вазифасини тавсифлашга ҳаракат қиладиган бўлсак, бу вазифа энг аввало мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига фаол ва табиий равишда кириб бориши, ўзининг тинчликка, тенг ҳамкорликка, демократияга, инсон ҳуқуқларига, асл умуминсоний қадриятларга содиқ эканини кўрсатишдан иборат бўлади.

Инсон ҳуқуқлари ва демократия Ўзбекистоннинг миллий ва давлат манфаатларига, халқимизнинг эрксевар миллий тафаккур тарзи ва руҳиятига тўла мос келади.

Ўзбекистон жаҳон, айниқса Европа тузилмалари билан кенг интеграциянинг энг фаол тарафдори бўлгани билан, у бундан фақат иқтисодий мақсадларнигина кўзламайди. Биз энг аввало маънавият, илм-фан, маданият, маориф ва ахборот соҳаларида интеграциялашишга даъват этамиз.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиман: Ўзбекистоннинг ўзига хос янгиланиш ва тараққиёт йўли қўйидаги учта муҳим шартга асосланади:

— умуминсоний қадриятларга содиқлик;

— миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз маънавий меросини ривожлантириб, уни ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари билан бойитиш;

— ва ниҳоят, инсон ўз салоҳияти ва истеъдодини эркин равишда намоён қила олиши учун шароит яратиш.

Юздан ортиқ миллат вакили истиқомат қилаётган Ўзбекистонда уларнинг барчасига ўз миллий маданиятлари, анъаналари ва тилларини ривожлантириш учун тенг имкониятлар бериб қўйилган. Биз ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан, мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик ҳукм сураётгани, инсоннинг тинч ҳаёт кечириш ва умргузаронлик қилишдек муқаддас ҳуқуқи таъминланаётгани билан фахрланамиз.

Ўзбекистон битмас-туганмас табиий ва минерал ҳом ашё бойликларига, қудратли илмий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга. Олимларимиз математика, физика, биология, тарих ва археология соҳаларида олиб бораётган тадқиқотлар минтақамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур.

Бироқ, бизнинг энг катта бойлигимиз — тикланиш, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан дадил бораётган оқкўнгил, меҳнаткаш, меҳмондўст ва мағрур халқимиздир.

Бугунги кунда, айниқса собиқ советлар ҳудудида (СССРнинг собиқ ҳудудида) дунёда ҳаммабоп, барча учун мос келадиган тараққиёт модели йўқ экани аён бўлиб қолди. Бирорта модель, биронта схемани шу туришида барча мамлакатларга татбиқ қилиб бўлмайди.

Шуниси диққатга сазоворки, ЮНЕСКОнинг тажрибаси ва фаолияти маълум даражада давлатларнинг ижтимоий соҳада бир хил ривожланиши моделининг номақбул экани ҳақидаги фикрни тасдиқлайди.

Биз ЮНЕСКО мисолида ижтимоий ва интеллектуал ҳамкорлик муаммоларига янги ижодий ёндашувлар ишлаб чиқувчи ноёб манбани кўрамиз.

Ўзбекистон ЮНЕСКО Бош директорининг ЮНЕСКО низомидаги асосий қоидалар: кишилар онгига тинчлик ғоясини сингдириш ҳамда барқарор тараққиётга кўмаклашишга содиқлигини сақлаб қолишига қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Шу муносабат билан ЮНЕСКОнинг **«Ўрта муддатли стратегия»**си барқарор тараққиётнинг инсон ўлчовига жамланган янги шакллари тинимсиз изланаётганидан дарак беришини сезмаслик мумкин эмас.

Бош директор Майор жаноблари мамлакатимизга сафари пайтида бугунги кунда Ўзбекистоннинг қиёфасини тинчлик ва осойишталик, диний ҳамда умуман мафкуравий муроса, маданиятларнинг уйғунлашуви, турли миллат ва элатларнинг жамият ҳаётида тенглик асосида иштирок этиши белгилашига гувоҳ бўлди.

Муросаи мадора асрлар давомида халқининг асосий белгиси бўлиб келган Ўзбекистон БМТнинг навбатдаги сессиясида муроса тамойиллари баённомасини фаол қўллаб-қувватлаш ниятидадир.

Бизда муросанинг илдизлари узоқ асрларга борib тақалади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ҳудудида исломнинг ўлмас ва мангу қадамжолари билан япон олими Ка-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИДА

24 апрель куни Узбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Узбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси кун тартибига таклиф этилган масалалар юзасидан нуқтаи назари ишлаб чиқилди ва бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси қарори

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИНИНГ БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ КУН ТАРТИБИГА ТАКЛИФ ЭТИЛГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН НУҚТАИ НАЗАРИ

Биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси, дейилади қарорда, бир томондан, мамлакатимизда ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бера бошлаган туб иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётган, иккинчи томондан, миллий мустақиллигимиз тақдири жиддий ташқи синовга дуч келган бир вазиятга тўғри келди. Халқимиз тараққиётнинг мустақил йўлидан оғишмай бораётган, бунёдкорлик ишлари билан банд бўлган бир пайтда, Россия Давлат Думаси мазкур мамлакатнинг ўзини ислоҳотлар йўлидан оғдириш, собиқ СССР кенгликларида эса, моҳиятан, «қизил империя»ни қайта тиклашга қаратилган қарорларни қабул қилди. Ҳуқуқий асоссиз, сиёсий жиҳатдан зарарли ушбу ҳужжатлар Россия расмий давлат идоралари, шунингдек, унинг Президенти томонидан ҳоланди, бутун дунёдаги эрксевар кишилар, чинакам демократия тарафдорларининг ҳақли танқидига учради.

Қарорда Узбекистон жамоатчилиги Россия Давлат Думасининг номақбул хатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралаганлиги таъкидлаб ўтилди. Мамлакатимиз Олий Мажлиси Кенгаши тезкорлик билан унга салбий муносабат билдирди. Республикамиз Президенти И. А. Каримов Дума ҳужжатлари ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари уйғунлашувини чуқурлаштириш бўйича Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида тўрт томонлама аҳдлашув, Россия ва Беларусь ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги битим имзоланиши муносабати билан Узбекистон раҳбариятининг буларга оид фикр-мулоҳазалари, унинг халқининг хоҳиш-иродасини очиқ-ойдин баён этди.

Юртбошимиз, шунингдек, Узбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири билан суҳбатда ҳукуматимизнинг интеграцияга қарши эмаслигини, аммо унинг ҳаётий заруратга айланиши, самарали бўлиши учун етарли шароитлар туғилиши, маълум шартларга таянилиши лозимлигини ишончли қилиб тушунтирди. Президентимизнинг мазкур масалага қарашлари Тошкентдаги дипломатия корпуси вакиллари ва журналистлар билан шу йил 12 апрель куни бўлиб ўтган учрашувда яна бир бор асослаб берилди.

Узбекистон Халқ демократик партиясининг Россия Давлат Думасининг мазкур масалаларидаги истиқболсиз йўлини қоралаш, МДҲдаги интеграция жараёнлари сунъий равишда жадаллаштиришга қаратилган ҳар қандай уринишларни рад этиш, республикамиз раҳбариятининг шу ҳақдаги сиёсатини тўла қўллаб-қувватлашдан иборат нуқтаи назари Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўмининг шу хусусдаги қарори, Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари, тинимсиз, бошланғич ташкилотларимиз мажлислари ҳужжатларида ўз ифодасини топди. ХДПдан сайланган депутатлар Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларининг, Олий Мажлис депутатлари иштирокида ўтказилган, қўшма сессияларида мазкур масала муҳокамасида фаол қатнашдилар. Сиёсий ижроқўм уларнинг Олий Мажлис бешинчи сессиясида бу борада қатъий йўл тутишларига ишонади.

Сессия кун тартибига таклиф этилаётган Фуқаролар кодекси иккинчи қисми, Банклар ва банк фаолияти, Акциядор жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми, Эркин иқтисодий зоналар, Миллий хавфсизлик, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисидаги қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг мамлакатимизда демократик давлатни бунёд этиш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳамда улар бўйича лойиҳаларни тайёрлашда ўзлари бевосита иштирок этганликларини назарда тутиб, депутатларимизнинг сессиядаги муҳокамаларда партиямизнинг шу ҳақдаги фикр-мулоҳаза ва таклифларини ҳимоя қилишлари, шубҳасиздир. Сиёсий ижроия қўмита Узбекистон Халқ демократик партиясининг республика Олий Мажлисидаги фракциясига мамлакат парламенти бешинчи сессиясига таклиф этилган кун тартиби ҳамда, депутатларимизнинг улар бўйича кўзда тутилган ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда бевосита қатнашганликларини ҳисобга олиб, барча масалаларни, хусусан, давлат маҳаллий вакиллик идоралари Кенгашларининг, жойлардан сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари иштирокидаги, сессияларида якдиллик билан маъқулланган «Россия Давлат Думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ва собиқ совет ҳудудидаги интеграцион жараёнлар муносабати билан Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Узбекистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашларининг қўшма қарори лойиҳаси»ни тўла қўллаб-қувватлашни тавсия этди.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси Олий Мажлисга Узбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатларни унинг навбатдаги сессияси иши самарали бўлишига, ҳар галгидек, муносиб ҳисса қўшишга даъват этди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК МАТБУОТ МАРКАЗИ.

1996 йил — Амир Темур йили

ЕВРОПАДА СОҲИБҚИРОН РУҲИ

Ғоят қувончли хабар: шу кунларда Соҳибқирон Амир Темур руҳи улкан маданият маркази бўлмиш Париж аҳли қалбини мафтункор забт этган. Бу буюк тарихий-маданий воқеа. Қалбларимиз фахру ғурур билан тўлиб тошади. Ахир Президентимиз Ислом Каримов бошчилигидаги Узбекистон давлати ва маданияти арбоблари Париж шаҳрида бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналарида қатнашиб, дунёга Узбекистоннинг янги даври довруғини баралла тараддилар. Соҳибқирон авлодлари ўзлигини дунёга танитмоқда.

Беихтиёр тарихга назар ташлаймиз. Машҳур муаррих олим Шарафиддин Али Яздий доруссалтана фирдавсмонанд Самарқанд қўксида қад кўтарган ўша даврнинг энг муҳташам ва маҳобатли меъморий мажмуи бўлган Масжиди жомеъ томошасидан ҳайратланиб «Обидаларимиз авлодларга бизнинг кимлигимиздан дарак беради», — деб ғурур тўла башорат қилган экан.

Дарвоқе, ўша вақт Шарқ Ренессанси — Уйғониш даврининг дарвозаси катта очилган эди. Башарият кейинги бир неча асрлар давомида темурийлар даврининг илғор маданияти, адабиёти, санъати ва меъморчилигидаги мислсиз юксалиш самараларидан баҳраманд бўлди. Рус академиги, шарқшунос В. Бартольд эътироф этганидек, мусулмон архитектураси тарихида энг ёрқин даврлардан бири Амир Темур ва темурийлар номи билан боғлиқдир. Лекин тарихнинг шафқатсиз тақозоси билан халқимиз кейинроқ инқирозлар гирдобида қолиб кетгани ҳам маълум.

Истиқлол шабадаси ҳаётбахш таъсирини кўрсатмоқда. Куни кеча «Шарқ» матбуот концернида чоп этилган икки тадқиқот — «Темурийлар Ренессанси» ва «Темур даврининг меъморий қиёфаси» китобларини варақлар эканмиз, узоқ ўтмишдаги Амир Темур ва темурийлар даври улкан бунёдкорлиги намуналарини кўриб ҳайратга келамиз

ЮНЕСКО томонидан Парижда ўтказилган темурийлар даври маданияти, санъати ва фанига бағишланган Халқаро илмий анжуманнинг аҳамияти ҳам ҳар қанча мақтовга муносиб. Бундан бир неча йил муқаддам ЮНЕСКО томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган темурийлар даври маданиятига бағишланган халқаро илмий анжуманларнинг қанчалик совет мафкураси исканжаси остида ўтганини эсласак, изоҳга ўрин қолмайди.

Парижда намойиш этилган ўзбек тасвирий ва амалий санъати кўргазмаси ҳам катта қизиқиш уйготди. Халқ ижоди сарчашмасининг нақадар қадимий, анъанавий ва ҳозирги кундаги равнақи айни замонавий эканлиги санъат мухлисларининг олқишига муяссар бўлди. Узбек санъаткорларининг Париж саҳналарида кўрсатган миллий томошалари эса ҳақиқий байрам тантаналарига айланиб кетди.

Узбекистон — Франция ҳамдўстлигининг янада мустаҳкамланиши, маданий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий алоқаларда ҳамкорлик йўллари очилиши, ҳеч шубҳасиз, оламшумул тарихий аҳамият касб этади. Бу ҳам соҳибқирон бобомиз даврида яшнаган Буюк Ипак йўли давомидаги халқаро алоқаларнинг янги замондаги ажойиб намунасидир.

Пўлат ЗОҲИДОВ,
архитектура фанлари доктори.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси бугун, 25 апрель куни соат 10 да Олий Мажлиснинг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 25 апрель куни соат 8 дан Олий Мажлис мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ПАРТАСИЮ ПУЛИ ЙЎҚ МАКТАБ

Лўқма

Қумқўрғондаги Охунбобоев номи билан аталадиган мактаб қошида узукнинг кўзидай қилиб қурилган 14 хонали бино — қўшимча синфхоналар икки йил бўляпти, қулфлоғлиқ турибди. Сабаби — парта йўқ. Оталиғу мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг айтишича, икки юзтача партани сотиб олишга... пул йўқ.

— 17 та синф билан 9 синфхоналарда тиқилиб қолганмиз, — дейди мактаб директори Б. Бобомуродов. — Янги синфхоналарга парта топилса борми, гуруҳларга ажратиб таҳсил бериш, қўшимча машғулотлар ўтказиш, касб-ҳунар ўргатиш тугаракларини ташкил этиш имконияти туғиларди.

— Ёғоч топиб берсадар партани ўзимиз ясашимиз мумкин, — дейди ўқитувчилардан бири. — Шу баҳона ўқувчиларга дурадгорликни ўргатган бўларми-дик.

Яна бир гап: бундан беш-олти йил бурун қайсидир бир қурилиш жамоаси, сизларга биз икки қаватли янги мактаб қуриб берамиз, деб чуқур қилиб пойдеворнинг ўрнини қазиб ташлади. Ва ўнқир-чўнқир жарликни ўзларидан қолдириб, мактаб-пактаб қурмасдан хайр-маъзур қилиб кетишди.

Энди денг ўша жарликни — ярим гектарча майдонни жамоага текислаб берадиган одам йўқ.

— Шу майдонга беш йил зироат қилганимиздами, парта пулини ўзимиз топган бўлардик-а, — дейди Бобомуродов афсусланиб. — Ёки терак экканимиздами...

Директорни тушунмоқ керак. Парта-ку фалон пул экан, лекин мактаб ҳовлисидаги хароба жарликни текислаб беришга оти дунё пул кетмас!

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида

СЕССИЯ МУВАФФАҚИЯТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК!

Шу йил 24 апрель куни мамлакатимиз Олий Мажлисидаги Узбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси кун тартибига таклиф этилаётган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Бу ҳақда фракция раиси ўринбосари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси Ш. Темуров маъруза қилди.

Йиғилишда Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Узбекистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашларининг Россия Давлат Думасининг қарорлари ҳамда МДҲ ҳудудида интеграция жараёнлари ривожига доир, моҳиятан, собиқ Иттифоқни қайта тиклашга қаратилган, ҳаракатлар муносабати билан қўшма қарори лойиҳаси хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққан «Узбекнефтгазқурилиш» давлат-ҳиссадорлик бирлашмаси бош директори В. Товаровский, Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Бобур номли агрофирма раиси С. Ҳабибов, «Узбекистон темир йуллари» давлат-ҳиссадорлик компанияси Фарғона бўлими бошлиғи М. Мирҳамзаев, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А. Холмуродов, «Янгийўл» ёғмой ҳиссадорлик жамияти раиси М. Худоёров, Фарғона давлат университети тиббиёт маркази кафедра мудири Ю. Нишоновлар ушбу масаланинг халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари қўшма сессияларида қарор лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилганлиги ҳамда якдиллик билан маъқуллаганлигини, унинг муҳокамасида партиямиздан сайланган депутатлар фаол иштирок этганликларини, Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг бунга оид нуқтаи назарини ҳисобга олиб, фракция аъзоларини бешинчи сессияда мазкур қарорнинг қабул қилиниши учун овоз беришга чақирдилар.

Шунингдек, сессия кун тартибига киритилаётган бошқа масалаларнинг Узбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашда, унинг тараққиётини таъминлашда муҳим ўрин тутиши, ХДПдан сайланган депутатларнинг уларга доир ҳужжатларни ишлаб чиқишдаги иштирокидан келиб чиқиб, фракция аъзоларига, Олий Мажлис бешинчи сессиясининг таклиф этилаётган кун тартибини ҳамда унда қабул қилинажак қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини асосан маъқуллашни, сессиянинг самарали иш олиб боришига муносиб ҳисса қўшишни тавсия этди.

Йиғилишда фракция аъзоси, Узбекистон ХДП Шаҳрихон туман кенгаши биринчи котиби М. Отабоевнинг ўз депутатлик бурчини қандай адо этаётганлиги ҳақидаги ахбороти тингланди.

Йиғилиш ишида Узбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, мамлакат хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова иштирок эт

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК, ҲАМКОРЛИКСИЗ ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

то Сурхондарё воҳасида топган ноёб будда маданияти ёдгорликлари, яҳудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиёратгоҳлари бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Бугунги кунда шаҳарларимизда турли динларга мансуб муассасалар — мусулмонларнинг масжидларини, православ ибодатхоналарини, яҳудий синагогаларини, католик ва протестант мазҳабларининг турли шохобчаларига оид ибодатхоналарни кўришингиз мумкин.

Раис жаноблари!

Назаримизда, ЮНЕСКО ёшлар муаммоларига жиддий эътибор бериши зарур. Биз замин ва дунёни мерос қилиб қолдирадиган авлодларнинг эҳтиёжларига қаратилган келажак авлодлар ҳуқуқлари конвенциясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга тайёрмиз.

Бизнинг бўлажак тараққиётимиз асоси ҳам мана шунда. Айнан ёшлар орқалигина келажак жамиятлар шуурига маданият маънавиятини, тараққиётнинг интеллектуал қадриятларини сингдира оламиз.

Бу ҳол — бизга жуда ҳам таниш. Чунки, Ўзбекистон аҳолисининг ярмини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ўзбекистонда «Соғлом авлод учун» декларацияси қабул қилинган, халқаро жамғарма ишлаб турибди, ўсиб келаётган авлод тарбиясига қўшилган улкан ҳисса учун бериладиган «Соғлом авлод учун» олий давлат ордени таъсис этилган.

Ўзбекистоннинг ҳажми республика бюджетининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган ижтимоий дастурларида аёлларга алоҳида ўрин ажратилган. Биз бундан буён ҳам аёлларнинг жамиятдаги ўрнини яхшилашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган барча ташаббусларни қўллаб-қувватлайверамиз.

Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг таълим тизимини такомиллаштириш, илм-фанни ривожлантириш, маданий ва табиий меросни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари юксак баҳоланмоқда. ЮНЕСКОнинг Шарқ меъморлиги жавоҳирлари — Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хевадаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва табиий офатлардан сақлаш бўйича халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги ҳиссаси ҳам жуда сезиларлидир.

Биз БМТнинг, ЮНЕСКОнинг таълимни секторлар бўйича таҳлил қилиш бўйича қўшма лойиҳаларига фаоллик билан қўшилганмиз. Аҳолиси мутлақ саводхон бўлган Ўзбекистон бу лойиҳалар доирасида АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия ва бошқа мамлакатларнинг давлат муассасалари билан ҳам, давлатга тобе бўлмаган ташкилотлари билан ҳам самарали ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати ЮНЕСКО ҳомийлигида бу йил Тошкентда ўтказиш мўлжалланаётган фундаментал фанларни ривожлантириш бўйича минтақавий семинарнинг мувафақиятли ишлаши учун зарур бўлган барча шароитни яратади. Мазкур семинар олий таълим ва фундаментал фанлар бўйича жаҳон конференциясига зарур тайёргарлик босқичи бўлиши шубҳасиз.

Раис жаноблари!

Биз истиқболли, ўтмишнинг эзгу анъаналарини тикловчи ҳамда тинчлик ва инсоний мулоқотлар сари янги йўл очувчи **«Ипак йўли — мулоқот йўли»** дастурини амалга оширишда бундан буён ҳам фаол иштирок этамиз. Шу муносабат билан мазкур дастурни янаги ўн йилликка узайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бу лойиҳада Ўзбекистон 1997 йилда Бухорода ЮНЕСКО ижроия кенгашининг барча ҳурматли аъзолари иштирокида «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликка» деб номланган кенг миқёсдаги халқаро симпозиумни ўтказиш бўйича барча ташкилий масалаларни ўз зиммасига олишга тайёр.

Ҳурматли ижроия кенгаши аъзолари!

Таклиф тариқасида эътиборларингизни турли минтақаларда экология муаммоларини ҳал этиш бўйича ишларни кучайтириш зарурлигига қаратмоқчи эдим.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё экология ҳалокатининг марказида туриб қолган. 60 миллиондан ортиқ киши бу ҳалокат оқибатларини бошдан кечирмоқда. Мен атроф-муҳит билан стратегик хавфсизлик муаммоларининг ўзаро бир-бирига таъсирига яққол мисол бўлиб турган Орол фожиасини назарда тутяпман.

Бугунги кунда оламшумул аҳамият касб этаётган Орол муаммоси экология масалалари билангина чекланиб қолмаслигига менинг ишончим комил.

Бу, шунингдек, инсониятнинг бир-бирининг дардига шерик бўлиш ва ҳамкорлик қилиш қобилиятини синовдан ўтказадиган маънавий муаммо ҳамдир.

Бизнинг тажрибамиз экология ўлчовларини халқаро гуманитар сиёсатнинг муҳим мезонларидан бирига айлантириш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Ҳалокатнинг оламшумул миқёсларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг жаҳон ҳамжамиятининг интеллектуал ва моддий-техник кучларини мана шу экология фожиасини ҳал этишга жалб қилишдаги ҳиссасини қутлайди. Биз атроф-муҳит соҳасидаги таълим бўйича учинчи халқаро конференция ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватлаймиз.

Хонимлар ва жаноблар!

Жаҳон мамлакатлари ҳукуматлари ЮНЕСКО ўсиб, ривожланиб бораётган ташкилот эканига тобора кўпроқ амин бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, ривожланиш жараёнининг ўзи бу ташкилотнинг мазмун ва ташкилий жиҳатдан янада такомиллашувига, унинг фаолият доираси янада кенгайишига кўмаклашишига шубҳа йўқ.

Шу муносабат билан биз ЮНЕСКОнинг Тошкентда қароргоҳи барпо этилишини қизғин қутлаган бўлур эдик.

Ўзбекистон ҳукумати бу қароргоҳнинг минтақада жаҳоннинг гуманитар сиёсатини амалга ошириш бўйича самарали мувофиқлаштирувчи марказ бўлиб қолиши учун барча зарур шароитни яратиб беради, деб сизларни ишонтираман.

Муҳтарам раис!

Мен XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман.

Мен ақл-идрок ва инсонийлик кучлари ғалаба қозониши кераклигига ишонаман.

Сайёрамиздаги халқлар ва давлатларнинг тадрижий тараққиёти тантана қилишига имоним комил.

Назаримда, инсоният тараққиётининг мантиқи ҳам шунда. Бу буюк ва олижаноб мақсадга эришишнинг асосий шарти — Сизлар, ЮНЕСКО ижроия кенгашининг ҳурматли аъзолари намояндаси бўлган, ЮНЕСКО ўзида жамлаган бирдамлик ҳамда интеллектуал кучларнинг, ақл-идрок кучининг, эзгулик ва адолат кучининг тантанаси ҳисобланади.

Мен барчангизни биз Ўзбекистонда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, ЮНЕСКО низомида кўрсатилган олижаноб мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз, деб ишонтиришни истар эдим.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг умумий маънавият ва маданият йўлидаги бу сессияси ишига муваффақият тилашга ижозат бергайсизлар.

Бугун барчангиз Ўзбекистоннинг темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнашига бағишланган янги кўргазмасининг очилишида азиз меҳмонимиз бўлишингизга умид қиламан. Сизларни қабул маросимида азиз меҳмонимиз сифатида, шунингдек ЮНЕСКОнинг мажлислар залидаги Ўзбекистон санъат усталари концертида кўрсам хурсанд бўлар эдим.

Раис жаноблари!

ЮНЕСКОга миннатдорлик рамзи сифатида Ижроия Кенгашига машҳур ўзбек рассомининг суратини тақдим этмоқчиман.

Хонимлар ва жаноблар!

Менга, шунингдек бу хуш имкониятдан фойдаланиб, ЮНЕСКОнинг Бош директори жаноб Федерико Майор ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги беқиёс хизматлари, Марказий Осиё халқларининг бой маънавий меросини тиклаш ва тарғиб қилишга қўшган улкан ҳиссаси, «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро дастурини амалга оширгани учун Ўзбекистон Республикасининг олий мукофоти — **«Дўстлик»** ордени билан мукофотланганини маълум қилишга ижозат бергайсизлар.

Жаноб Федерико Майорни бу юксак мукофот билан чин қалбимдан табриклайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

«ШАРҚ» — ПАРИЖДА







Ғарбий Европа ва умуман Ғарб дунёсининг маданий пойтахти бўлмиш Париж шу кунларда Соҳибқироннинг шукуҳли юлдузлари ёғдусидан янада чароғон бўлди. Бу ерда «Темурийлар даври фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» деб аталган Ўзбекистон ҳафталиги ва Соҳибқирон тўйига дахлдор бошқа тадбирлар ўтказилмоқда. Мамлакат олий раҳбарлари иштирок этаётган ушбу шукуҳли анжуманларда мамлакатимиз етук матбаачилик корхонаси ва мактаби бўлмиш «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, унинг Бош таҳририяти ва босмахонаси ҳам ўз босма маҳсулотлари билан ҳозир бўлди. Булар аллома Пўлат Зоҳидов муаллифи бўлган «Темур даврининг меъморий қаҳкашони» (ўзбек, рус, инглиз тилларида), француз тилидаги «Темур ва темурийлар даври: маданий Уйғониш» альбомлари ва анжуман кунларида намойиш этиладиган Ўзбекистон ёдгорликлари ва осори атиқаларнинг каталоги (француз тилида)дир.

«Темур даврининг меъморий қаҳкашони альбоми Соҳибқирон давридагина қурилган деярли барча сақланган ва сақланмаган меъморий обидаларни теран илмий талқин этиши, бу йўналишдаги кашшоф талқин — изланиш эканлиги билан ажралиб туради.

«Темур ва темурийлар даври: маданий Уйғониш» альбоми Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳукмронлиги давридаги меъморчилик ёдгорликларидан ташқари ҳаттотлик, китобат, миниатюра, аслаҳасозлик, каштадўзлик, хуллас халқ ва давр амалий санъатининг нодир намуналарини қамраб олди. Муҳими, унда ҳазрат «Тузуклари»нинг таржимаси ҳам чоп этилган. Унга ЮНЕСКО Бош котиби Федерико Майор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноблари сўзбоши ёзганлар. Юбилей кунлари Темур даври ҳунармандчилиги, осори атиқалари ва ҳозирги усталаримиз ижоди кўргазмаси ҳам бўлиб ўтади. Каталог ана шу кўргазманинг ўзига хос «ойнаси»дир.

Анжуманда иштирок этаётган ва юртимизни бутун дунёга таништираётган ушбу нашрлар иккита ўта муҳим аҳамият касб этади: биринчидан, улар истиқлол шарофати ила мустақил Ўзбекистонни жаҳонга танитаётган китобат санъати намуналари бўлса, иккинчидан, учала нашр ҳам Ватанимиз мавжуд матбаа-ноширчилик негизидагина чоп этилган дастлабки қалдирғочлардир. Зеро, бундай юксак сифатли ва жаҳон андозаларига мос китобларимиз авваллари чет элларда, Малайзия, Туркия каби мамлакатларда чоп этиларди. Бунинг учун ортиқча сарф-харажат қилинарди. Қолаверса, барча соҳаларда дунёга чиқаётган Ўзбекистон эндиликда ўз нашрчилик дурдоналарини ҳам ўзи бемалол чоп этиб, ўзгаларни лол қолдириши мумкин. Бунга эса «Шарқ» кафолат беради!

М. ЁҚУБОВА.

• *Иқтисодиёт олами* • *Иқтисодиёт олами*

ШИФОБАХШ ЁҒ

ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Ҳамза туманидаги «Истиқбол» ҳиссадорлик жамияти жамоаси маҳсар ўсимлигидан мой ажратиб олишни йўлга қўйди.

Ҳозирча, Қозоғистондан келтирилаётган хом ашё ҳисобига ишлар юритиляпти. Маҳсар таркибида тансиҳатлик учун фойдали кислота ва дармон-дорилар бисёр экан. Мутахассисларнинг фикрича, илдизи чуқур кетадиган бундай ўсимликдан тайёрланган мой болалар соғлиғини мустаҳкамлашда айниқса асқотади. Ҳозир бундай ўсимлик Сирдарё вилояти ва Бўстонлиқ далаларида ҳам ўстирилмоқда.

Абдунаби МАННОПОВ.

ҚОРАКЎЛДА ЖАҲОН БОЗОРИ

БУХОРО (мухбиримиздан). «Буюк ипак йўли»да жойлашган Қоракўлда жаҳон бозори бунёд этилмоқда.

Ўтмиш карвонларининг изи қолган бу мўътабар қишлоқда қурилаётган бозор 8 гектар майдонни эгаллайди. Тумандаги 62 ташкилот ўзининг савдо расталарини тиклаяпти. Улгуржи савдони йўлга қўйишнинг имкони шундаки, бозор Бухоро-Қоракўл йўли ёқасида жойлашган. Халқаро қатнов ҳам шу ердан ўтади. Машиналар тўхташи, меҳмонларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун шароитлар яратиляпти.

60 миллион сўмлик иш бажарилиши кўзда тутилган бу масканда 187 ва 192-кўчма механизациялашган колонна азаматлари фидокорлик кўрсатишмоқда. Жаҳон бозори Истиқлолнинг 5 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

Даврон БАҲРОНОВ.

МАРМАР ИСРОФ БЎЛМАЙДИ

НАВОИЙ (мухбиримиздан). Вилоятдаги «Лангар» ҳиссадорлик жамиятида қазилма бойликлардан мармарни белгиланган шаклда кесиш ва сайқал беришни хориж технологияси асосида олиб бориш йўлга қўйилди.

Лангарлик кончиларнинг Италия ва Финляндия ишбилармонлари билан ҳамкорлиги қўл келмоқда. Бу мамлакатларнинг «Педники» ҳамда «Тамрок» фирмаларининг вакиллари «Лангар»га келиб, бойликларни қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнлари билан танишдилар. Шу баҳона финляндияликлар янги илғор технологияни жорий этишга ёрдам беришди. Бунда портлатмасдан, замонавий асбоб-ускуналар кўмагида мармар олинади. Бу усул экология ва инсон саломатлигига зарар етказмайди. Муҳими, чиқитсиз ва зарарсиз технология хосияти туфайли қимматбаҳо мармаримизнинг исроф бўлишига йўл қўйилмайди.

Музаффар ШАРОПОВ.

ЖИЗЗАХ: ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Олис хориждаги сармоядорлар юртимизга қизиқиб қолишаётганининг сабабини биласизми? Энг аввало Ўзбекистон заминидаги табиат яратган имкониятлар кенглиги, бошқа жойларда анқонинг уруғига айланган хом ашё заҳираси. Таъбир жоиз бўлса, ана шу омиллар Жиззах вилоятида тўлатўкис мужассам. Ҳамма гап шу имкониятларни ишга сола билишда. Хўш, туб иқтисодий ислоҳотнинг бош мазмунига айланган бу вазифа вилоятда қандай бажариляпти? Ушбу мақолада шу ҳақда сўз юритамиз.

Кейинги икки-уч йил мобайнида вилоят марказида бўлмаган одам шаҳарни танимай қолса ажаб эмас. Жиззахнинг қиёфаси янада кўркамлашиб бормоқда — бу таърифни нафақат четдан қараган киши, балки шу шаҳарнинг ҳар бир фуқароси фахр билан айтаётир. Бу қадимий маскан эндиликда ўз мебели, ўз чинниси ва бошқа қуплаб маҳсулотларига эга. Яқин келажакда жиззахликлар троллейбусда юришади, теннис кортида қизиқарли мусобақаларнинг гувоҳи бўлишади. Мустақилликнинг ёркин манзараларини нафақат шаҳарда, айни пайтда вилоятнинг барча бурчакларида кўришингиз мумкин. Янгиланиш манзиллари Зарбдорда янги қурилган пахта тозалаш заводидан тортиб Ғаллаорол туманидаги халқаро ДАН қароргоҳигача намоён булаётир.

Энг муҳими, бу ишлар осойишта, ортиқча шовқин-суронларсиз уддаланмоқда. Ўзгаришлар одамларни руҳлантиряпти. Йил якунини ифодаловчи рақамлар босилган йўлга баҳо бериш, айни пайтда замонавий бозор муносабатлар тизимининг қарор топишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш мақсадида таҳлил қилинмоқда. Айниқса кейинги бир йил мобайнида иқтисодиётнинг кўп қиррали шакллари пайдо бўлганлиги, вилоят хорижий инвесторлар назарига тушиб бораётганлиги таъкидланмоқда. Бундан бир неча ой муқаддам Германиянинг «Вемекс» фирмаси билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган серунум технологияли 67 та кичик заводлар қуришга узоқ муддатли шартнома тузилганлиги фикримизни исботлайди. Ҳозиргача 4.970 та корхона ва ташкилотлардан 4.338 таси давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Қишлоқ ҳудудларида 1.597 та деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил топди. Кичик ва шахсий корхоналар сони 3 мингтага етди .Битта муҳим кўрсаткич: 1995 йилда халқ хўжалигининг барча тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши қайд қилинди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг ўсишига асосан саноат корхоналарини тубдан ўзгартириш, замонавий кичик янги технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилинганлиги ва шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар сони кўпайтирилиши ўз таъсир кучини кўрсатди. Жумладан, Жиззах аккумулятор заводида янги хил маиший ускуналарга мўлжалланган қувват манбаларини ишлаб чиқариш тармоғи ишга туширилди. Пластмасса заводида 13 та янги хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ҳам ўсиш жараёнлари кузатилмоқда. Агар утган йилнинг биринчи ярмида 447 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич иккинчи ярим йиллик якуни билан таққосланганда 136,7 фоизга ўсди. Айни пайтда вилоятда 86 та саноат корхонасидан 25 таси маҳсулот ишлаб чиқаришни 44,4 миллион сўмга (солиштирма нархда) пасайтириб, умумий ҳажмининг 2,2 фоизини ташкил этди. Бундай қолоқликни моддий ресурслар таъминотининг етишмаслиги, ҳаракатда турган жиҳозларни эскириб кетганлиги, банкларарро пул муомаласидаги мавжуд муаммолар ва банк кредитлари фоизларининг юқорилиги сабаб бўлмоқда.

Агросаноат мажмуи вилоят иқтисодиётининг асосий ўзагини ташкил этади. Бу борада муайян камчиликлар аниқланиб, тегишли хулосалар чиқариляпти. Шу билан бирга ғалла хирмонини юксалтириш борасидаги дадил одимларни таъкидлаш керак. Жиззах — мамлакатимизнинг асосий ғалла базаларидан биридир. Бу ерда ярим миллион тонналик маррани мўлжал қилиб олишяпти. Тўғри, куз ва қишнинг ноқулай келганлиги сабабли кўплаб лалми майдонларда уруғ қийғос униб чиқмади. Лекин жиззахликлар асосий эътиборни сувли ғаллазорларга қаратишмоқда.

Бу борада Арнасой туманида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. Утган йили ғалладан баракали хирмон кўтарган арнасойликлар бу йил янада юқори марраларни белгилашди. Агар бултур 7,5 минг гектар ерда ғалла ўстирилган бўлса, 1996 йилда бу экинга ажратилган майдон 18,6 минг гектарни ташкил этди. Туманнинг «Андижон» ва «Олтин водий» деҳқон хўжаликлари уюшмалари утган йили ғалла ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 30 центнерга, илғор деҳқонлар 48 центнерга етказишганини ҳисобга олсак, «Жиззах ҳақиқати» газетаси саҳифасида туман ҳокими Бегижон Раҳмонов «Арнасой ғалласой бўлади» деган сўзларига ишонгимиз келади.

Вилоят бўйича аввалги йилдагига нисбатан бошоқли дон ишлаб чиқариш 183,1 фоиз, мева 158,7 фоизга, узум 3 мартага кўпайди. Туб ислоҳотларни жорий этиш натижасида эришилган яна бир ютуқ шундан иборатки, бугунги кунда вилоятнинг ўзида ишлаб чиқарилган ун, гўшт, сут, тухум, сабзавот, полиз, мева ва узум маҳсулотлари билан ўзини тўлиқ таъминлаяпти. Ёки аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш кейинги икки йилда 7 килограммга кўпайиб, 68 килограммга етди, сут 257 килограмм, дон 358 килограммни ташкил этди.

Гап фақат ялпи ҳосилни кўпайтиришда эмас. Айтайлик, деҳқон ва чорвадор етиштирган хом ашёнинг харид нархи кўп ҳолларда арзонлигидан нолиб гапирамиз. Хўш, нима қилиш керак? Агар харид нархини кўтарсак, хом ашё омборларда тупланиб қолмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Бунинг бирдан-бир мақбул йўли ўша «арзон» хом ашёдан тайёр маҳсулот олишга эришишдир. Албатта бунинг учун қунт-ҳафсала ва бардош керак. Шу маънода эрта-индин 60 йиллиги нишонланадиган Фориш туманида терини қайта ишлайдиган корхона қуришга қарор қилингани эътиборга лойиқдир. Агар шу ғоя ўз ижобатини топса, туманда иқтисодий ривожланиш йўлида шаҳдам қадам қўйилган булур эди.

Эртанги кунни кўзлаб ишлаш. Бу ҳислат одамларда изланиш, ташаббускорлик, ҳисоб-китобли иш юритиш фазилатларини гуркиратиб юборади. Шу маънода утган йилнинг июнь ойида моҳият-эътиборига кўра ажойиб янгилик руй берди: Жиззахни эркин иқтисодий ҳудудга айлантириш ғояси қанот қоқди. Вилоят ҳокимининг фармойишига кўра бу ишга мутасаддилик қилиш Эркин Холматовга топширилди.

— Бундай ҳудудни вужудга келтиришнинг белгиланган жаҳоний шартлари бор, — дейди Эркин Эргашевич биз билан суҳбатда. — Дунёда 850 та эркин иқтисодий ҳудуд мавжуд экан. Уларнинг анчагина қисми Хитойда жойлашганлиги маълум. Биз бу ғояни ном чиқариш учун эмас, балки Буюк Ипак йўлининг айни кесишган ерида жойлашган Жиззахнинг жуда қулай имкониятга эгалиги туфайли олга суряпмиз. Мазкур ҳудуд божхона ва солиқ борасида имтиёзлардан фойдаланади. Ҳудди ана шу имтиёзлар чет эллик сармоядорларни бамисоли оҳанрабодай ўзига тортади. Жиззахга Қозоғистон, Тожикистон яқин, Фарғона водийсидаги тужжорлар учун Тошкент ёки Самарқандга боришдан кўра бу ер маъқул. Ҳозирдан бунинг учун 850 гектар майдон белгиланди. Дастлабки технik-иқтисодий асослар ҳисоб-китоб қилинмоқда. Олий Мажлиснинг навбатдаги V сессияси «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунни қабул қилгач, ишларимиз янада юришиб кетиши шубҳасиз.

Пул эмиссиясини қисқартириш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Бунинг учун эркин муомаладаги валютани олиш ҳуқуқини берадиган патентлар сони кўпайтирилмоқда. Барча тўловларни инкассация орқали банк хазинасига қайтаришни тезлаштириш чоралари кўрилмоқда. Савдо, маиший хизмат тармоқларида пул даромадлари назорат-касса аппарати орқали утказиш тўла йўлга қўйилмоқда.

• *Ислоҳот ва масъулият*

Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва уларнинг иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришда ибратли ишлар қилинмоқда.

— Бир йилда вилоят «Бизнесфонди» 26 та тадбиркорга 12,3 миллион сўм, республика жамғармаси эса 20 нафар тадбиркорга 15 миллион сўм имтиёзли кредит берди, — дейди вилоят «Бизнесфонди» бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Зокиров.

Ҳа, бу рақамлар ўзининг самарасини бериши керак. Мулк шаклининг ўзгариши қандай натижа бераётганини ушбу мисолда кўриш мумкин. Давлат тасарруфидаги қурилиш ташкилотларининг бажарган ишлари аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 1991 йил нархида 66 фоизни ташкил қилган бир пайтда, нодавлат мулк шаклидаги ташкилотларнинг бажарган пудрат ишлари 86 фоизга тенг бўлди.

Айни пайтда капитал қурилиш мажмуасида эришилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда ҳал қилинмаган муаммолар ҳам мавжуд. Баъзи бир буюртмачи ташкилотларнинг тўлов қобилиятини йўқотганликлари натижасида пудрат корхоналари бажарган қурилиш-монтаж ишлари учун маблағни ўз вақтида олишмаяпти. Бу эса ўз навбатида пудратчи ташкилотлар ночор молиявий аҳволга тушиб қолишига ва бажараётган иш ҳажмининг пасайтиришга мажбур қилмоқда.

Ҳозир Жиззахда давлат рўйхатидан ўтган, хорижий сармоялар иштирокидаги 22 та қўшма корхона мавжуд. Шундан ҳозирги кунда Узбекистон — Буюк Британия «Жибри» қўшма корхонаси 21,5 миллион сўмлик ёки 687 тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқарди. Ўзбек-Сурия «Пахта-Интернейшнл» ва Узбек-Россия «Жиззахэлектросервис» қўшма корхоналари ўз фаолиятларини бошладилар. Агар мустақиллик бўлмаганда бундай корхоналарни ҳатто тасаввур қилиб бўлмасди.

— Имкониятларимиз жуда катта, — дейди «Жибри» қўшма корхонаси раҳбари Раҳматилла Бўстонов. — Тўла қувватга эришганимиздан сўнг умуман ўсимлик ёғи тақчиллиги йўқолади.

Ислоҳотларни жорий этиш борасида кишини ўйлантирадиган, ташвишга соладиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Чунончи ўрта ва қуйи босқичдаги раҳбарлар орасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга лоқайд муносабат мавжудлиги кечирилмас камчиликдир. Вилоят «Қишлоқхўжаликтаъминотаъминот» бирлашмаси (бошлиғи Сафар Назаров), «Техчорвасервис» уюшмаси (Халил Расулов) ва қишлоқ хўжалигини химиялаштириш идораси (Холбой Турдиев)га тааллуқли бўлинмаларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш суст.

... Ҳар бир ўзгариш одамларда умидворлик туйғусини оширмоқда. Имкониятларни ишга солиш борасида Жиззахда катта ишлар қилинмоқда. Шу маънода вилоятни бугунги кунда имкониятлар майдонига ўхшатгимиз келди. Бу майдон узра халқимизнинг синалган фарзандлари — мард инсонлар жавлон ураверишсин!

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Хабарларингиз борми?

Куни кеча Ўзбекистон — Буюк Британия «ЎзБАТ» ҳиссадорлик жамиятида «Хон» деб аталувчи янги фильтрли сигареталар ишлаб чиқарилганлиги муносабати билан матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Ургут тумани, шунингдек, Греция, Болгария, Испания ва Ҳиндистон каби хорижий мамлакатларда етиштирилган тамаки маҳсулотларидан тайёрланган бу сигареталар ўзининг хуштаъмлилиги ва сифатлилиги билан ажралиб туради.

Бу йил қўшма корхона республикамиз, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари бозорларига 700 миллион қути «Хон» сигареталарини етказиб беришни режалаштирган.

— Мақсадимиз Ўзбекистон иқтисодиёти ривож топиши учун келажакда бундан ҳам яхши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, — деди қўшма корхона бош директори жаноб Джим Ролланд Рииз.

Дарвоқе, «ЎзБАТ» қўшма корхонаси ўтган ҳафтада Самарқанд тамаки-ферментация фабрикасини қайта қуриш ва таъмирлаш ишларини бошлаб юборди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

Тарих — сабоқ

Мажид ҲАСАНИЙ

ЮРТ БЎЙНИДАГИ ҚИЛИЧ

Жаҳон тарихида ўрис империяси нисбатан ёш ҳисобланади. Русияда қадимда ҳам, ўрта асрларда ҳам (подшо Пётр I Русияни 1721 йилда империя деб эълон қилган. Октябрь тўнтаришидан кейин В. И. Ленин тамал тошини қўйган СССР — қизил империя 1991 йилгача давом этди) империя бўлган эмас. Аксинча, 1991 йилгача СССР эгаллаб турган беҳад кенг ҳудудда қатор ғарб империялари — Рум, Юнон, Герман, Византия, қўшни қиролликлар — Польша, Литва, Шведлар; **қатор Осиё империялари — турк (Туркий халқларнинг ота-боболари ўтмишда ўн олтита буюк империя қурганлар. Булар: Буюк Хун, Боти Хун, Европа Хун — эрамизнинг IV асрида Атилла Европа барпо этган туркий давлат, Кўктурк, Авар, Ҳазар, Уйғур давлати, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Буюк Салжуқийлар, Хоразмийлар, Олтин Ўрда, Буюк Темур, Бобур, Усмонийлар империторликлари)**, форс, хитой империялари ҳукимлик қилган ва таъсир ўтказган. Бу ўринда ўрис халқи икки юз йилдан ортиқ мўғул хонликлари қарамлигида бўлганлигини унутмаслик керак. Олтин Ўрданинг жаҳонгир Амир Темур томонидан парчалаб ташланиши ўрис ва бошқа халқларни мўғул-тотар зулмидан озод этди.

Марказий Осиёдан аввал чор ҳукуматига бўйсундирилган тотар ва бошқирдларга нисбатан зўрлаб христианлик динига чўқинтириш сиёсати олиб борилди. Тарихда ҳатто уч юз йилга яқин ўрислар устидан ҳукмронлик қилиб келган Чингизхон ва чингизийлар ҳам ўрислар дини, урф-одатларига тегмаган эдилар. Мусулмонларни православликка чўқинтириш иши хато эканини кўпчилик мусулмонлар (тотар, бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқалар) қатнашган Емельян Пугачев қўзғолонидан кейин тушунишди. Русия ҳукмдори Екатерина II ниҳоят ислом динини ошкора тан олди.

«Дунё славянларники, славянлар эса Русияники», деб ўзгалар юрти устида қилич ўйнатган қонхўр ўрис генераллари Перовский, Черняев, Кауфман, Куропаткин, Абрамов, Иванов, Скобелев ва унинг минг-минглаб маслақдошлари Кавказ, Кавказорти, Сибирь, Узоқ Шарқ Марказий Осиё ва Қозоғистон ўлкаларини босиб олиб, Сибирь ўлкаси ҳамда Туркистондаги битмас-туганмас бой ер ости ва ер усти бойликларига кўз олайтирган чор маъмурларидан бири, Русия империясининг молия нозири Вишнеградский **«ЎРТА ОСИЁ — ЎРИС ТОЖИДАГИ ЭНГ ҚИММАТБАҲО ДУР»** деб ёзганида Русиянинг келажакдаги иқтисодий юксалиши Марказий Осиёдан эканлигига ишонч ҳосил қилган эди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁГА БОСТИРИБ КИРГАН РУСИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ АСКАРЛАРИ СОНИ ҚАНЧА ЭДИ? Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, Кавказ қирғинида қатнашган аскарлардан бир неча маротаба кўп ва унинг қирғини ҳам даҳшатлироқ бўлган. **Фарғона генерал-губернатори Иванов Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ҳарбий юриши даврида: «Бир минг сарт бир ўрис солдати этигининг пошнасига арзимайди» деб ёзган бўлса, бошқа бир ўрис генерали, Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман эса: «Амир (Бухоро амири) исёнкорларидан (1868 й.) бирортаси ҳам асир олинмасин. Қўлга тушганларнинг ҳаммаси, ҳаттоки ярадорлар ҳам отиб ташлансин», — деб фармон берган эди.** Ҳарбий тарихчи З. Кастельская Ўрта Осиёнинг маданий маркази Тошкент шаҳрини вайрон қилиб, минг-минглаб бегуноҳ оддий одамлар қонини оқизган ўрис генераллари Черняев, Скобелев, Куропаткин, Ионов, Ивановларни қаттиқ қоралаганди. **«Черняев ашаддий шовинист эди. Унинг назарида, Қўқон хонлигида яшаган ўзбеклар, қирғизлар, қипчоқлар ва бошқа халқлар ёлғиз тўн (чопон) кийганлари учунгина қириб ташлашга лойиқ», — деб ёзган эди тарихчи зобит З. Кастельская.**

«Скобелев Ионовни зуғумга олгач, — деб ёзади ўрис зобити В. Наливкин, — у кўл остидаги солдатларини ҳужумга бошлаб, эмизикли болаларгача чопиб ташлади...»

Ўрта Осиёдаги олтин, маъдан, кумуш, темир, рангли металл, ёқут, пахта, қоракўл каби ер ости ва ер усти бойликларини қўлга киритиш Пётр I га ва ундан кейинги ўрис подшоларига асло тинчлик бермаган эди. Ўрта Осиё, Афғонистон орқали Ҳиндистон билан савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтириш ҳамда Хева хонлиги билан «тотув» муносабат ўрнатиш мақсадида подшо Пётр I 1715 йилда Хева ва Ёркентга бир неча минглик ҳарбий отряд юборди. Бухгольц бошчилигидаги ҳарбий отряд Балхаш қўлига етиб келиб, у ерда ҳарбий истеҳком қуради, аммо отряд қийинчиликларга дуч келиб, тезда ўз изига қайтади. Мамлакатда ислоҳотлар олиб борган, ҳарбий ишларга катта эътибор берган подшо Пётр I ташаббуси билан 1717 йили князь Бекович-Черкасский бошлиқ ҳарбий экспедиция отряди 3727 та пиёда, 617 та отлиқ, 2000 казак, 230 та денгизчи ва 22 тўп-замбараклар билан Хоразм томон йўл олади. Ҳарбий отряд икки ой машаққатли йўл босиб, 1717 йилнинг кузида Хоразм чегараларига етиб келади. Йўл-йўлакай қишлоқ ва овуллар вайрон қилинади. Хеваликлар ўрис отрядини тезда бутқул қириб ташлайдилар.

Биринчи уринишдаги омадсизликдан кейин тушкунликка тушмаган Русия ҳукумати Пётр I белгилаб берган бош режа асосида Қозоғистон орқали Туркистонга юриш қилади. Пётр I даврида тараққиёт чўққисига кўтарилаётган ўрис давлати 1721 йилда империя даражасига чиққан эди. Узоқни кўзлаб иш тутган Пётр I Туркистонни босиб олишда Қозоғистон калит, дарвоза вазифасини бажаришини айтганди. XIX асрнинг биринчи ярмида Русия давлати ҳаётида содир бўлган ўрис-турк, ўрис-швед, ўрис-форс урушлари ва 1812 йилдаги Наполеон юришига қарши кураш, Сибирь учун жанг 50 йилга чўзилган Кавказ урушлари (1817—1859) ва бошқа ички зиддиятлар Чор Русияси империясининг Ўрта Осиёга бўлган ҳарбий босқинини вақтинча бўлса ҳам жиловлаб турган эди. Император Александр II, Александр III ҳукмронлигида ва подшо Николай II ҳукмронлиги даврига келиб Русия Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўлкаларини ўз мустамлакасига айлантирди. Ҳиндистонни босиб олган инглизлар тезда Афғонистон ва Туркистонни ҳам забт этиши мумкинлигидан Русия хавфда эди.

Оренбург томондан турли ҳужум ва босқинларга чек қўйиш ва турли йўллар билан асир тушган қочоқ ўрисларни озод қилиш баҳонасида Хоразмга генерал Перовский 51 минг 217 кишилик ўрис, казак қўшин билан отряди 15 рота, 3 полк казаклар, 16 тўп-замбараклар билан Хева томон юриш қиладилар. Оқбулоқда Хева хонлигининг 24 минглик сарбозлари ўрис босқинчи жангарилари билан 1,5 ой жанг олиб борадилар. Ватан ҳимоячиларидан 80 дан ортиқ киши, истилочилардан эса 5 киши жангда қурбон бўлади. Бу юриш ҳам ўрислар мағлубияти билан тугайди. Бироқ Русия империяси Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўлкаларини тезроқ (Англия ва Хитой ҳужумидан хавфсираган ҳолда) босиб олиш ва Туркистонни ўз мустамлакасига айлантириш ниятидан қайтмай, тинимсиз ҳарбий юришлар қилади. Империя хориж ўлкалар — Туркия билан урушда банд бўлишига қарамай, 1850—1860 йилларда Сибирь ва Оренбург ҳарбий линия кучларини ҳаракатга солиб, Қозоғистон ва Ўрта Осиё ерлари томон ҳарбий юриш бошлайди. Ҳарбий юришларда катта тажриба орттирган Русиянинг юзлаб босқинчи генераллари ва зобитларининг тинч Туркистонга ҳарбий юриши даҳшатли эди. Масалан, Сибирь томондан ҳаракатга келган ҳарбий кучлар: 8-Ғарбий Сибирь, 17-ўқчи Туркистон батальони, 1860 йилдан эса 3-, ва 5-, 2- ва 12-Сибирь батальонлари ўқчи роталаридан иборат қўшма ўқчи батальонлари, 1-Туркистон ўқчи батальони артиллерия, Сибирь казак қўшини 21-батарея, 1-Туркистон артиллерия бригадаси, 2-батарея ва 1-Туркистон артиллерия бригадасига қарашли 1-пиёда батарея билан қуролланган ҳарбий куч Ўрта Осиё томон даҳшатли ҳарбий юришни бошлайдилар. Оренбург йўналишидаги ҳарбий ҳаракат: 4-Оренбург линия батальони, 10-Туркистон ўқчи батальони, 1864 йилдан эса 2-Оренбург линия батальони 1-взводи, 9-Туркистон ўқчи батальони 1865 йилдан Туркистон ҳарбий округи барпо этилиши муносабати билан ва 9-Оренбург линия батальонлари 6 ва 19-Туркистон ўқчи батальонлари, 4-Ғарбий Сибирь, Тошкент резерв батальони, 1866 йилдан Оренбург сапёрлар ротаси Туркистон сапёрлар ротаси Оренбургдан 147-Самара пиёда полки батальони ва бошқа ҳарбий резерв кучлар Қозоғистон ва Ўрта Осиё ўлка тупроғини кўкка совуришга шайландилар. Шубҳасиз, бу хил ҳарбий куч Шарқдаги ҳар қандай кучли мамлакатни тор-мор этарди. Туркистон ўрнида Эрон, Туркия каби мамлакат ҳам бу юришга чидаш бера олмасди. Ўрта Осиёни чор Русияси истилочилари томонидан ҳарбий куч билан забт этилишига доир бу хил ишончли маълумотлардан иккиси 1909 йилда Тошкент шаҳрида Туркистон ҳарбий округи типо-литографияси томонидан жуда оз нусхада, фақат ҳарбий зобитлар учун нашр эттирилган.

«Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ҳақида тарихий-хронологик маълумот. Георгий Крести Кавалерлари ва «Жасорати учун» олтин қуроли билан тақдирланганлар рўйхати иловаси билан» деб аталади. Унча катта ҳажмда бўлмаган бизнинг қўлимиздаги мазкур рисолада илк бор ишончли манба сифатида чоризм томонидан Туркистонни босиб олинишига доир тўлиқ маълумот берилган. Рисоланинг 17—21 саҳифаларида Ўрта Осиёни забт этишда Георгий ордени билан тақдирланган чор империясининг босқинчи генераллари, офицерларининг қайси ерда, қачон ва қайси хизматлари учун энг олий ҳарбий мукофот — Георгий ордени ёрлиқларини ва олтин қуролларни олганликлари рўйхати берилади. Турли ҳарбий лавозимдаги ўрис генераллари, офицерлари: Стеценко, Федеров, Гребенкин, Воронцов, Шорохов, Назаров, Квинтадзе, Жигалин, Главацкий, Никулин, Капитин, Храменко, Фризе, Шлихтен, Силивинский, Колпаковский, Черняев, Зубаров, Лерхе, Серов, Вольфрет, Абрамов, Иванов, Макаров, Мазин, Глуховский, Шенберк-Шауфус, Романовский, фон Кауфман, Скобелев, Троцкий, Куропаткин каби юз-юзлаб ҳарбийлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерларини ҳарбий куч билан босиб олишдаги «Жасорати учун» Русия империясининг энг олий ҳарбий унвони — Георгий ордени ва олтин қуроллар билан мукофотланган эдилар. Босқинчилик, талончилик урушида «қаҳрамонлик» кўрсатган 200 га яқин ўрис зобитлари империянинг олий мукофотлари билан тақдирланганди. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, бу хил олий мукофотларни на фақат ҳарбийлар, балки биз кўкларга кўтарган ўрис рассоми, истеъдодаги мичман Василий Верешчагин бир қўлида қурол, бир қўлида мўйқалам ушлаган жангчи-рассом ҳам олган эди. У 1904 йилда Петропавловск бронесецида фожиали ҳалок бўлган. Таниқли ўрис ёзувчиси ва рассоми, 5-Туркистон линия 18-ўқчи батальони штабс капитани Каразинлар ҳам Ўрта Осиёни босиб олишдаги жангларида қатнашган ва урушдаги «Жасорати учун» оқ подшо Олий Ҳазратларининг Георгий Кавалери ордени ва шахсий номига ёзилган олтин қуроллар билан мукофотланган эдилар. Мана сизга Ўрта Осиё халқларига маърифат келтирдик, деб Европага жар солган **Русия империясининг диндор художўйлари ҳам бир қўлида бут, бир қўлида қурол кўтарган руҳонийлари: руҳоний ота Андрей Малов, руҳоний ота Гаври Ширяев, руҳоний поп ота Седачёвлар чор ҳукуматининг Ўрта Осиёни забт этишида қатнашганлар. Қўлидаги бут-крестини ўпиб, ўрис зобитлари аскарларини урушга ундаган руҳонийлар «ҳалол» хизматлари эвазига Георгий ленталарига тақиладиган (напресные) лента крести билан тақдирланган эдилар.** XIII асрда Русияни неча аср эзиб келган Чингизхон ҳам урушга руҳонийлар ва динни аралаштирмаганди. Чингизийлар босиб олган ўлкаларнинг дини, урф-одатига заҳа етказмаганди. Кўринадики, Русия подшоси Ўрта Осиёга босқинчилик ниятти билан келган барча фуқароларни, ҳарбийларни, ҳатто христиан дин арбобларини ҳам юксак мукофотлар, ёрлиқлар билан илҳомлантириб турган. Шуниси ажабланарлики, инқилобдан аввалги ўрис тарихчилари, шунингдек, маҳаллий тарихчилар, Фозилбек, Баёний, Аҳмад Дониш, Салимий, Муҳаммад Солиҳ каби маҳаллий воқеанавис тарихчилар, чор Русиясининг ҳарбий тарихчилари ўз асарларида ҳам, шунингдек, ўша давр архив ҳужжатлари, даврий матбуот материалларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўлкалари чор Русияси империяси томонидан босиб олиниб, бу диёр чоризм мустамлакасига айлантирилганлиги, сахий Туркистон мулки босқинчилар томонидан аёвсиз талон-торож қилинганлиги айтилган ва ёзилган. Бироқ, минг афсус ва надоматлар бўлсинким, октябрь тўнтаришидан кейинги совет тарихчилимлари ва, айниқса, Ўрта Осиё ва Қозоғистон Жумҳуриятларининг тарихчилари бу ҳақиқатни бузиб кўрсатиб, оқни қорага, қорани оққа буяб, Ўрта Осиё Русияга ихтиёрий кўшилган, деб келдилар.

Туркистондаги босқинчилик уруши қатнашчиси, ўрис ҳарбий тарихчиси, генерал М. А. Терентьевнинг «История завоевания Средней Азии», («Ўрта Осиёни босиб олиш тарихи») номли уч томлик китобида ёзишича, чор Русия империяси Ўрта Осиё ерларини босиб олишда маблағни аямаган. Мамлакат, иқтисодий танглиққа қарамай, Ўрта Осиё ва Қозоғистонга ҳарбий юриш қилиш мақсадида 1839 йилда 1 миллион 800 минг рубль — сўм маблағ ажратган эди. Масалан, биргина Хева хонлигини босиб олиш учун подшо ҳукумати Туркистон ҳарбий округига 287300 сўм, Оренбург ҳарбий округига 200000 сўм маблағ ажратган. Шахсан Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ихтиёрига ҳарбий босқинчилик уруши олиб бориш учун 400000 сўмлик пул ажратилган. Хева хонлигига ва бошқа хонликларга қарши ҳарбий юришда қатнашган кўп минглик солдат, офицерларнинг озиқ-овқатлари, кийим-кечаклари учун ҳамма ҳарбий юриш даврида маҳаллий халқдан тортиб олинган отлар, ҳўкиз, эшак, хачир ва туяларга ем-хашак сотиб олиш учун 465414 сўм 64 тийин маблағ-пул ажратилган. Шунингдек, урушда зарур бўлган қўтос, хачир, эшак, от туя, аравалар сотиб олиш ҳамда йўл харажатлари учун 513551 сўм 40 тийин пул маблағи ажратилганлигини кўрамиз.

Артиллерия, тўп-замбарак заҳира қисмлари таъмир учун техник ускуналар, шунингдек, табобатга ва зооветеринарияга доир дори-дармонлар ҳамда лазаретлар учун 94285 сўм пул маблағи сарфлаш режалаштирилган. Шунингдек, кўприкларни тузатиш, арава (бричка)ларнинг ғилдиракли запасларини ва бошқа зарурий ашёларни сотиб олиш учун 1475558 сўм 68 тийин пул ажратилган, деб ёзади, уруш қатнашчиси ҳарбий тарихчи генерал М. А. Терентьев **(М. А. Терентьев. «История завоевания Средней Азии». СП. Б. 1806. 153,283 саҳифалар).** Бу ва бу хил ишончли далилларни ўрис босқинчи генераллари, зобитлари, ҳарбий мутахассисларининг кундаликлари ва эсдаликларидан ҳам кўплаб келтиришимиз мумкин. Афсуски, ўрис босқинчиларининг Туркистондаги ваҳшийликлари тўғрисидаги кўпгина манбалар, ноёб китоблар, рисолалар, архив ҳужжатлар, эсдаликлар, кундаликлар йўқотилиб борилмоқда.

Маълумки, неча юз йиллар мўғул-татар ҳукмронлиги зулми остида эзилиб келган ўрис халқи жаҳонгир Амир Темур зарбасидан парчаланиб кетган Олтин Ўрда давлати сиртмоғидан (1480 йилда) озод бўлди. Москва остонасигача борган жаҳонгир Амир Темур ўрис ва бошқа халқларни мўғул-татарлар зулмидан холос этган эди. Русия халқи ва бошқа халқлар учун ҳам халоскорлик ролини ўйнаган Темурийлар империясининг ўрни тарихда беқиёс катта бўлди.

Мўғул-татар зулмидан озод бўлган Русиянинг тарқоқ князликлари эндиликда бир-бирларига қарши ўзаро урушиш эмас, бирлашишга аҳд қилдилар. Олтин Ўрда давлати емирилгандан кейин XVI асрда Ғарбий Сибирь хони Кўчимхон тор-мор этилди. Ташкил топган Қозон хонлиги 1552 йилда Астрахань (Ҳожи Торхон, Аштархон 1556) Қрим хонлиги эса 1772—1774 йилларда Кавказ халқлари XIX аср давомида Русия томонидан босиб олинди, дея такрор айтамиз, ёзамиз. Бироқ айрим тарихчилар тарих ҳақиқатини тан олгиси келмайди.

Русия мустамлакачилари Бухоро, Хева ва Қўқон хонликлари бошлиқлари бошини маккорлик билан айёрона силашга уриндилар. Чунончи, Русия подшоси Бухоро ҳукмдори амир Сайид Музаффархон (1860—1885)га юксак ҳарбий унвон — генерал-адъютант, Бухоро амирлари Абдулаҳад ва Сайид Олимхонга генерал-майор ҳарбий унвони берилганди. Бу хил унвонлар, арзимас совға-саломлар ва ҳадялар бериш йўли билан ўрис босқинчилари халқ буйнига яна бир занжир солдилар. Бухоро амирлиги ва Хева хонлиги чоризм истилосига қаршилик кўрсатганликлари учун Русия ҳарбийларига миллионмиллион жарима тўлашга мажбур бўлдилар. Масалан, **1868 йил, 23 июнда Бухоро Русияга 500 минг сўмлик тилла танга уруш товони тўлайдиган бўлди.** Бу хил ноқонуний товонлар, жарималар Хева, Қўқон хонликларидан ҳам ундириб олинган эди. «Замона зўрники, томоша кўрники», деганларидек, босқинчилик уруши билан Туркистон элини вайрон қилган, ўлка мулкини талаган чор Русияси уруш ҳаракатлари товонини меҳнаткаш халқдан ундириб олгандилар. Иғвогарлик билан бошланган халқ исёнидан қочиб, қирқ арава хазина билан **Қўқондан Тошкентга, генерал-губернатор фон Кауфмандан нажот излаб келган Қўқон хони Худоёрхон хазинасини олиб, ўзини Оренбург турмасига қамадилар. Хоннинг қирқ аравадаги бойликлари ўрис босқинчилари хазинасига олинди.**

Чоризмнинг Туркистонга иккинчи (биринчи юриш Пётр I даврида 1717 йилда бўлган) юриши 1853 йилда генерал Перовский бошлиқ икки мингдан зиёд Чор солдат ва офицерларининг Оқмачит (Қизил Ўрда)га ҳужумидан бошланди. Бир неча кунлик ҳаёт-мамот жангида босқинчилардан 25 киши ўлиб, 46 киши яраланган. Оқмачит ҳимоясига чиққан бутун маҳаллий аҳолидан атиги 74 кишигина омон қолган, холос. Чор қўшинлари қуролсиз тинч халқни раҳмсизларча қириб ташлаганди. Тошкентдан ҳоким Сабдалхўжа бошчилигида 8 минг аскарнинг қўшни ва кўнгилликлари Оқмачитни қайта қўлга олиш учун ўрис босқинчилари билан қаттиқ жанг олиб бордилар. Бироқ урушқоқлик тажрибасига эга истилочилар тиш-тирноғигача қуролланган эдилар. Ватанпарварлар жангда 192 кишидан айрилиб, яраланган 92 жангчини туя, отлар, арава ва эшакларга ортиб ғазаб алами-ла орқага чекинишга мажбур бўладилар. Оқмачитни душман қўлидан тортиб олиш учун ўрис босқинчиларига қарши Қўқон хонлиги яна қўшин юборади. 1853 йилнинг охирида Ёқуббек қўмондонлигида яна 13000 кишидан иборат юрт ҳимоячилари ғаниллар билан қаттиқ жанг олиб борадилар. Ватан ҳимояси учун хаёт-мамот жангида чор қўшинларидан 55 киши йўқ қилинади; юрт ҳимоячиларидан икки мингга яқин киши ўлдирилади ва яраланади.

Чор Русиясининг истилочи қўшинлари Оқмачитда мустаҳкам ўрнашиб олиб, янги-янги ҳарбий куч билан 1860 йилдан бошлаб, аввал Пишпек, сўнг Тўқмоқ қалъасига ҳужум қилиб, 954 та снаряд ва 13 мингга яқин отилган ўқ билан ҳимоясиз тинч аҳолини зор қақшатдилар. Лекин Ўрта Осиё халқлари босқинчилик уруши йўлини тўсишга жиддий отландилар. Тошкент ҳокими Қаноатшоҳ бошлиқ ҳимояга отланган ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, тожик ва қорақалпоқлардан ташкил топган 20 мингга яқин фидойилар Пишпек остонасида шиддатли жанг олиб бордилар. Чор Русияси генерал ва офицерлар буйруғи билан солдатлар ҳимоячиларга қарши 2051 та снаряд, 31879 та ўқ ва 63 та тўп ўқи отишди. Натижада юрт ҳимоячиларидан 1500 киши ўлдирилиб, кўплари яраланган ва банди қилинган. Пишпек учун бўлган қирғинбарот жангда 574 та ҳимоячилар асир олинди. Асирлар орасида 82 та савдогар, 92 та аёл ва болаларнинг тақдири ҳам ачинарли бўлган. Чор Русияси маъмурлари, бағритош ҳарбийлар асирлар билан ёмон муносабатда бўлганлар. Ишончли ўрис манбаларида, тарихчи олим Ҳ. Зиёев тадқиқотларида ёзилишича, тинч аҳолининг қўлида қуроли бўлмаганлиги ва кучлар нотенг бўлганлиги сабабли душман томонидан атиги 13 киши ўлиб, 29 киши яраланган, холос. Ҳар бир ўлдирилган чор Русияси солдатининг хуни учун маҳаллий халқдан шафқатсиз уч олиш одат тусига кириб борган. Шу йўл билан ўрис босқинчилари ҳимоячиларни қўрқитган ва юрагига ғулғула солган эдилар. Чор Русиясининг ҳарбий мутахассислари, генерал, офицерлари Авлиё ота, Тўқмоқ, Пишпекни эгаллашга жонжаҳд билан ҳаракат қилдилар. «Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ҳақида тарихий-хронологик маълумот» номли ҳужжатда ёзилишича, полковник Циммерман отряди 6 та рота, 6 та сотня (юзлик) казаклар, 2 та сотня (юзлик) қирғизлар билан ҳам 12 та оғир тўп-замбарак, 4 та ракета ускунаси, 8 та мартири билан 5 минг кишилик қўқонлик фидойиларни яксон этиб, Тўқмоқ ва Пишпек қалъаларини бузиб ташлагандилар. У ерда Алатов ҳарбий округи барпо этилганлиги қайд этилади. Айни вақтда, 1864 йилнинг кузида подполковник Колпаковский (кейин қирғиндаги «жасорати» учун унга генерал унвони берилган) бошлиқ ҳарбий отряди 3 та рота, 2 та сотня-юзлик, 6 та замбарак, 2 та ракета ускунаси билан тиш-тирноғигача қуролланган чор аскарлари Узуноғочда Ватан ҳимоячилари — фидойи ватанпарварлар билан юзма-юз жангга кирадилар. Замонавий ҳарбий техника билан қуролланган Русия империясининг босқинчи солдатларига 20 мингдан зиёд ватанпарвар ҳимоячилар дош бера олмай чекинишга мажбур бўладилар. Русия империясининг босқинчи армияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерларини босиб олиш мақсадида Туркистон ҳудудида ҳарбий истеҳкомлар қурдилар. Босқинчиларга марказдан доимий ҳарбий ёрдамлар келиб турганди. 1864 йилнинг баҳорида Авлиёота (Жамбул)ни қўлга олиш учун Қўқон хонлигидан 1500 кишилик қасоскорлар чоризм жаллодлари билан яна тўқнашадилар. Бу гал ҳам тиш-тирноғигача қуролланган душман қўли баланд келади. Ҳимоячи ватанпарварлар бу жангда 307 та жангчидан ажралди ва 390 нафар сарбоз майиб-мажруҳ бўлди. Чор Русиясининг маккор ва айёр генерал ва офицерлари оддий соддадил маҳаллий халқларни алдаш, қўрқитиш, ҳийла ишлатиш йўли билан уларни аста-секин бўйсундира бошлайди. Улар мол-мулкларини талон-торож қилади, асир олади. Туркий халқларнинг бирлашишига қарши, уларни бир-бирларига гиж-гижлайдилар. Чор Русиясининг маккор генераллари, жумладан, Черняев Туркистон шаҳри таслим бўлмаса, шаҳарнинг кўрки, муқаддас қадамжо Аҳмад Яссавий мақбарасини тўпга тутишини айтган. Улар инсониятнинг ақл-заковати ила барпо этилган шаҳарлар, тарихий обидаларни йўқ қилиб ташлаш мақсадида тўп-замбаракка тутадилар. Босқинчи ғаниллар «Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил», қабилида иш тутиб, қурол кучи билан қуролсиз ва ҳимоясиз халқларни қўрқитиш, ҳийла-найранглар, алдашлар, дўқ-пўписа ва тазйиқ ўтказиш йўли билан мажбуран босиб олганлар.

Маҳаллий халқларнинг бирлиги, жипслигига раҳна солиш ниятида уларни бир-бирларига қарши гиж-гижлайдилар. Бухоро ва унинг атрофидаги шаҳар, қишлоқларни эгаллаш учун жанг бошлаган чор Русиясининг босқинчи солдат ва офицерлари Зирабулоқ тепалигида Бухоро амири амир Музаффарга қарши жанг бошлади. Амирнинг 15 минг отлиқ, 6 минг пиёда ва 14 та тўпдан иборат кучи билан генерал-губернатор К. П. Кауфман қўшинлари билан ҳаёт-мамот жанги бошланди. Бу урушда Русия босқинчиларининг қўли баланд келганлигини сезган амир Музаффар бутун музофотни ғазоват урушига даъват этади.

Бу ўринда шуни айтиш жоизки, тарих китобларида, архив ҳужжатлари, тарихий манбаларда, вақтли матбуот саҳифаларида ўн мингдан ортиқ мўридлари бўлган Дукчи Эшон бошчилигидаги Андижон халқ қўзғолонини (1898 йил) биз диний пардага ўраб, мазкур қўзғолоннинг синфий моҳиятини яшириб келдик. Дукчи Эшон бошчилигидаги чоризмнинг даҳшатли зулмига қарши миллий озодлик ҳаракати ва исёнкорлик курашида қурбон бўлганлар, яраланганлар ва Сибирга сургун қилинганлар қанчадан-қанча. Айрим манбаларда Дукчи Эшон қўзғолони қон билан ювилгандан сўнг, 226 киши ўлим, 777 киши эса қамоқ жазоси олганлиги ёзилган. Бошқа бир ҳужжатда 380 ватанпарварлар ўлим жазосига, 208 киши эса Сибирга сургун этилганлиги айтилган. Нима бўлганда ҳам Туркистон ўлкасининг қаерида Чор Русия империясининг босқинчилик ва талончилик сиёсатига қарши борган ҳар қандай куч, бир неча баробар ортиқ ҳарбий куч билан зарбага учрар эди.

Чор аскарларига қаршилик кўрсатганликлари учун 22,5 минг бегуноҳ туркман, қирғиз, ўзбек, қозоқ, тожик, қорақалпоқ халқларининг фидойи фарзандлари Кўктепада қирилди. Чор Русиясининг тошбағир солдатлари, офицерлар тинч ва ҳимоясиз аҳолини болта, қилич дамидан ўтказганлигини кўрамиз. Жасур қардош туркман халқлари 1991 йил 12 январдан бошлаб, ҳар йили 12 январь кунини Жумҳурият халқлари мотам куни деб эълон қилдилар. Она-Ватан фидойиларига Кўктепада ёдгорлик ўрнатдилар. **Худди шунингдек, генерал Черняев бошлиқ жаллодлар Тошкент шаҳри истилоси кунлари 12 мингдан ортиқ бегуноҳ одамлар қонини тўкдилар. Ватан учун қурбон бўлганларга Тошкентда ҳам ёдгорлик ҳайкали ўрнатиш лозим. Бу хил қурбонлар Туркистоннинг қатор шаҳар ва қишлоқларида ҳам кўплаб содир бўлди. Бутун Ўрта Осиё ўлкасида 500 мингдан ортиқ халқимизнинг асл фарзандлари чор Русияси жаллодлари қўлида жон берганликларига тарих гувоҳлик беради.**

Русия империяси эски умрини яшаб бўлди. Чилпарчин бўлган қабоҳат салтанати — қизил империяни орқага қайтариб бўлмайди. Мустақил Ўзбекистон меҳнаткашлари келажаги буюк давлатимизни барпо этмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов айтганидек, энди орқага қайтишга йўл йўқ. Бизнинг йўлимиз мустақиллик йўлидир.

КУЧ — АДОЛАТДАДИР.
Амир ТЕМУР.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИРИНЧИ БЛОК ЁПИЛАДИГАН БЎЛДИ

• Бу йил Чернобиль атом электр станциясининг биринчи блоки иши тўхтатилади ва кейинчалик тўла ёпилади. Бу ҳақда Украина атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ядро хавфсизлиги вазири Юрий Костенко хабар берди.

ТЕРГОВ ТЎХТАТИЛДИ

• Варшава ҳарбий округи прокуратураси Польшанинг собиқ бош вазири Юзеф Олекса устидан қўзғатилган дастлабки терговни тўхтатди. Чунки унинг айғоқчилик қилганлиги ҳақидаги маълумотлар тасдиқланмади.

ҚУРБОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

• Исроилнинг Ливандаги ҳарбий ҳаракатлари натижасида қурбонлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозиргача 200 нафар одам қурбон бўлди. 320 киши яраланди. Мамлакат шимолидаги иккита электр станцияси, юзлаб уйлар, кўплаб кўприклар вайрон бўлди. Ливаннинг давлат секторига қарашли иншоотлар вайрон бўлиши натижасида 3 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўрилди.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ЁРДАМИ

• Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қозоғистондаги йирик металлургия ва кон қазиш саноати давлат корхоналарида ишни қайта қуришга бағишланган режаларни тайёрлади. Республика ҳукумати Бош вазири Акажон Кажегелдиннинг кўрсатмасига биноан, бу режани амалга ошириш борасидаги ҳуқуқий ва меъёрий актлар тасдиқланди. Кўзда тутилмоқдаки, БМТ режаси ёрдамида Қозоғистон корхоналарига чет эллик инвесторлар томонидан кўрсатиладиган техникавий ва молиявий ёрдам миқдори аниқланади.

ҚЎМОНДОННИНГ ТАШРИФИ

• НАТО Атлантика иттифоқи кучлари олий қўмондони генерал Жон Шихан Ашгабатга келди.

— Мен бу ерга АҚШ ва НАТОнинг Туркманистон билан алоқаларини мустаҳкамлаш учун келдим, — деди Жон Шихан.

— Жон Шиханнинг ташрифи давомида Туркманистон раҳбарлари билан «Тинчлик учун ҳамкорлик» дастури бўйича алоқалар боғлаш ҳақидаги келишувларга эришилди.

ПОРТЛАШ САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

• Ўтган шанба куни Деҳли шаҳрининг марказий ҳудудларидан биридаги меҳмонхонада кучли портлаш юз берганди. Бунинг натижасида 17 киши ҳалок бўлди ва 32 киши жароҳат олди. Айни пайтда фожеа сабаблари ўрганилмоқда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Сиёсий иқлим

ЯҚИН ШАРҚ ВА АФРИҚО: БИР ЙЎЛДА

Африқо қитъаси ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилингани хусусида шартнома қабул қилиниши апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида рўй берган муҳим воқеалардан бири бўлди.

Африқо қитъасини ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш ҳақидаги шартномани имзолаш маросимида минтақадаги аксар мамлакатлар, ядро қуролига эга бешта давлат ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Африқо давлатлари Бирлашган Ташкилоти Бош Котибларининг вакиллари иштирок этди.

Ижодкори Инсоннинг ўзи бўлган ядро қуроли бугунги кунда бутун дунёда давримизнинг энг хатарли дардига айланди. Ядро қуролини қўллашга қарши кураш инсониятнинг муштарак маслагидир. Мазкур нуфузли халқаро анжуманни ўтказиш заруриятини ана шу мантиқ ва айрим ҳудудларда ядро қуроли хавфсизлик кафолати, ушбу оммавий қирғин қуролини ривожлантириш эса «ишончли қалқон» бўла олиши хусусида нотўғри тушунча шакллангани, бу эса баъзи бир тинч ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар иқтисодий-сиёсий барқарорлигига таҳдид солаётгани туфайли юзага келди.

XXI юз йилликнинг бўсағасида жаҳон жамоатчилиги англаб етдики, ядро қуроли бутун дунё миқёсида барқарорлик, тинчлик ва тараққиёт йўлига ғов бўлиши мумкин, холос. Бунинг мисоли яқин ўтмишдан, собиқ СССР билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида эълон қилинмаган «совуқ уруш» тарихидан «бўй чўзиб» турибди. Ваҳоланки, собиқ СССР ҳамда АҚШ ҳамиша тинчлик ва барқарорликнинг жонкуяр тарғиботчилари ҳисобланган.

Анжуманда Миср ҳукумати вакили, мамлакат ташқи ишлар вазири Амир Муса жаноблари Яқин Шарққа ядро қуроли кириб келмаслиги учун араб мамлакатлари кўраётган чора-тадбирларга Исроилни ҳам қўшилишга даъват этди. Яқин Шарқда етакчилик а

Фалакиёт сирлари

СОЧЛИ ЮЛДУЗ

Шу йил 20 март куни Назарий астрономия институти (ИТА)дан электрон почта орқали Япон астрономи Хаякутаке очган сочли юлдуз-комета тўғрисида маълумот олинди. (Комета грекча сўз бўлиб, сочли ёки думли юлдуз маъносини билдиради.) Унга кўра комета жуда ёруғ, Ерга яқин масофада— 15 миллион км. узоқликда ҳаракатланиб, тезлиги ниҳоятда катта, бир суткада 10-18 градусгача тик силжир эди.

Осмонимиздаги ёруғ бу сочли меҳмонни биз аввал оддий кўз билан Ҳўкизбоқар юлдуз туркумининг энг ёруғ юлдузи Артур ёнида кўрдик. 22 мартдан бошлаб, кометанинг Ҳўкизбоқар, Аждарҳо, Етти оғайни юлдуз туркумлари бўйлаб ҳаракати давомида Тошкент астрографида кўплаб суратга олдик. 25 март тени комета Ерга энг яқин келган вақтида, унинг ёруғлиги ҳам энг катта даражасига етди. Бундай катта ва ёруғ кометалар бир неча асрдан буён кузатилмаган экан. Меҳмон жануб осмонидан бизнинг шимолий осмонимизга Наврўз куни тик ҳаракати билан ўтди. Хаякутаке деб номланган мазкур ёруғ кометанинг тезкор ҳаракатини биз соҳибқирон Амир Темурнинг шижоатли юришларига қиёслагимиз келади.

Маълумки, қадим одамлар кометалардан чўчиганлар. Уни бахтсизлик, ташвиш, ғам келтиради, деб ўйлаганлар. Бироқ сочли юлдуз чиройига маҳлиё бўлганлар ҳам бор. Ерга жуда яқин келган кометанинг қулаб тушиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Кўпгина кузатишлар натижалари бир неча аср, минг ёки миллион йилда бир маротаба кометанинг Ер бирлан тўқнаш келиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Ердаги ҳаётга сочли юлдузнинг қандай аҳамияти бор, деган савол туғилиши мумкин.

Ҳозирги мазкур ёруғ комета катта тезлик билан жанубий ярим шардан иссиқ иқлимни эргаштириб, шимолий ярим шарга қисқа вақтда олиб ўтди. Натижада совуқ-иссиқ ҳаво алмашинуви тезлашиб, илиқ ёмғирли кунлар кўпайди. Бу эса шу йил ўтўлан, боғларда мева, далаларда ҳосил мўл-кўл бўлишидан далолат беради. Яна бир хосияти, кометалар Қуёш атрофидан яқин масофада айланиб ўтаётганларида кўпинча бош қисми бир нечта бўлакларга бўлиниши мумкин. Ёки айрим моддалари парчаланиб, эриб кетишидан дум ёки сочларининг узилиб қолиш ҳоллари ҳам мавжуд. Шундай майда бўлакчалар кейинчалик метеор ёмғирларини вужудга келтиради. (Метеор учар юлдузлар демакдир.)

Ҳисоб-китоблардан маълум бўлишича Ер атмосферасида бундай тош бўлакчалар, катта тезликда ҳаракат қилиб, қизиб учар юлдуз бўлиб кўринади ва янада майдаланиб чанг, зарра ҳолатида кунутун ёғилиб туради. Осмондан еримизга тушаётган чанг зарраларининг умумий миқдори, сарф қилинаётган Ер қатламларининг ўрнини тўлдириб туриши аниқланган. Демак, ҳолсиз ҳолатдаги экин майдонлари самодан турли моддаларнинг чанг қопламлари ҳолатида ёғилиши ҳисобига тикланиб туради.

Кези келганда бир оғиз сўз институтимиз ҳақида. Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институтида бугунги кунда электрон почта ишга туширилган. Институтимиз директори Ш.Эгамбердиев раҳбарлигида Гулсафсар-Ирис деб номланган халқаро тизимда Франция билан ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар олиб боряпмиз.

Наврўз айёми арафасида эса Франция элчиси компьютерлар цехининг калитини топширди. Бу эса ҳамкорлик билан ишлашни жон куйдириб уқтираётган юртбошимизнинг узоқни кўриб айтган тилаклари самарасидир.

Маҳамат ЭШМАТОВ,
Астрономия институти илмий ходими.

СПОРТ

«ОЛТИН ВОДИЙ» ТЕННИСИ

Фарғонада «Олтин водий» — Челенжер халқаро теннис мусобақаси бошланди. 22 минг долларлик жамғармага эга бўлган бу мусобақада 25 мамлакатдан 32 нафар спортчи ўзаро куч синашмоқда. Шу кунларда «Истиқлол» теннис кошонаси ҳар қачонгидан гавжум. Ғолибга 3600 доллар берилади. Финалга чиққанларга 2120 долларлар насиб этади. Дастлабки тур баҳсларида таниқли теннисчимиз Дмитрий Томашевич ҳиндистонлик Леандер Паесни 6:2, 2:6 ва 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

ОЛИМПИАДАГА БОРАДИЛАР

Таиландда сузиш бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида вакилларимиз биттадан олтин, кумуш ва тўртта бронза медалига эга бўлишди. Жамоа ҳисобида 4-ўрин эгалланди. Вячеслав Кабанов, Александр Агафонов, Олег Пухнатий, Олег Цветковскийлар 4x100 ва 4x200 метрга эстафетали сузишда биринчи ҳамда иккинчи ўринларни эгаллашди. Сузувчиларимизнинг бу ғалабаларидан кейин Атланта олимпиадасига 10 та йўлланма бериладиган бўлди.

ЁШЛАР ҒАЛАБАСИ

Жамбул шаҳрида ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Марказий Осиё биринчилиги ўтказилди. Мусобақада Хитой футболчилари ҳам иштирок этишди. 1980 йилда туғилган болалар футболида ёшларимиз жами 14 очко тўплаб, биринчилик ғолиби бўлишди. Хитой жамоаси иккинчи, қозоғистонликлар учинчи ўринни олишди.

Миннатдорлик

ДУНЁГА ҚАЙТАДАН КЕЛДИМ

Оғир операция туфайли яримжон бўлиб қолдим. Нажот истаб Соғлиқни сақлаш вазирлигига бордим. Вазир ўринбосари Аҳрор Ёрқулов мени умидсизликка тушмасликка ундади. II-ТошМИ шифохонасига бориб даволанишни маслаҳат берди. Бордим. Қўли енгил шифокор, профессор Н. Ф. Крутов қайта операция қилишни таклиф этди. Рози бўлдим.

Шифокорлар ва мурувватли одамлар туфайли яна дунёга қайта келгандек бўлдим. Соғлиғим тикланди. Ҳаётим қил устида турган кезлари менга мурувватпешалик қилган Уйчи туманидаги «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти бошлиғи Маҳмуджон Бойдадаев тумандаги, «Пахтабанк» бошлиғи Мирза Тўрахўжаев, Халқ банки бўлими бошлиғи Муҳаммад Умрзоқов, «Тадбиркорбанк» бўлими бошлиғи Зокиржон Қутбиддинов, Ибн Сино номли дорихона бошлиғи Каримжон Содиқов, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Раҳбархон Қўзибоева ва бошқалардан бир умр миннатдорман. Шифокорлар Алишер Исломов, ҳаким Т. Бакланова, профессор Н. Крутов, врач ҳамда ҳамшираларнинг ширинсўзлиги, дардга малҳам муомалаларини унутмайман.

Салтанат ОТАХОНОВА,
Наманган вилояти, Уйчи туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси.

УН ва ДОН

ишлаб чиқариш билан машғул бўлган фабрикалар диққатига:

* Мини лаборатор тегирмонлар;
* Ун ва дон маҳсулотлари; намлигини аниқловчи жиҳозлар;
* Ун тегирмонлари учун вальцлар;
— БЗН (1000x250)
— БВ (1000x250)
— БВ (800x250)
* Полипропилен қоплар (50-15 кг сиғимли)

СОТИЛАДИ

FIRMA DEMIR

Манзил: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26
Тел: 33-06-00, 33-81-48, 56-07-59, 56-12-98, 56-57-04, 41-87-73, 30-76-31, 30-40-42.

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ!

Тошкент вилояти ҳокимияти, Тошкент вилояти Давлат мулк қўмитаси, Ўрта Чирчиқ туман ҳокимияти ҳамда Тошкент вилояти Кўчмас мулк биржаси 1996 йил 8 май куни соат 10. 00 да Тўйтепа шаҳрида ким ошди савдосини ўтказади

Ким ошди савдосига қуйидагилар қўйилади:

1. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида (Тошкент шаҳридан 5 км. масофада-халқа йўл яқинида) жойлашган 120 та ер майдони.
Ер майдони — 400 кв. м. дан 590 кв. м. гача.
Бошланғич нархи — 5 520 сўмдан 8880 сўмгача.
2. «Истиқбол» жамоа хўжалигида (Тўйтепа шаҳри яқинида) жойлашган 18 та ер майдони.
Ер майдони — 600 кв. м. дан 779 кв. м. гача.
Бошланғич нархи — 9000 сўмдан 11985 сўмгача.
3. Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Авангард қўрғонидаги 13 та савдо шахобчаси учун ер майдони.
Ер майдони — 200 кв. м.дан
Бошланғич нархи — 3600 сўм.
4. Тўйтепа темир конструкциялар заводининг кафе биноси.
Бошланғич нархи — 25 минг сўм.

Аризалар Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимиятининг биноси (хусусийлаштириш бўлимида — телефон: 21-553) ҳамда Тошкент шаҳри Хоразм кўчаси, 51-уй (эски тарих музейи биноси)да вилоят ҳокимияти, Тошкент вилояти кўчмас мулк биржасида қабул қилинади.

Телефонлар — 33-49-31, 33-28-52.

Ким ошди савдосида йил бошидан савдога қўйилиб, сотилмай қолган кўпгина иншоот, транспорт ва қурилиши тугалланмаган бинолар сотилади.

(Ушбу савдога қўйилган ер майдонларини баҳолаш ва квадрат метрларининг аниқлиги Ўрта Чирчиқ туман ҳокимияти томонидан амалга оширилган).

ÖZBEK SERVIS MAŞ

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

Ўзбекистон-Белорусь қўшма корхонаси

Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни сотади:

— АТЗ — 10К ёнилғи қуйиш машинаси,
— СуперМАЗ — 54329-020 шатакка олиш машинаси
— МАЗ-9330 ярим тиркамаси билан,
— МАЗ-83781 тиркамаси,
Двигателлар:
—ЯМЗ-328-2М, Д-245, Д-243.
Шунингдек ЮМЗ негизидаги *"БОРЕКС"* экскаватори,
ЮМЗ тракторлари ҳам сотилади.

АВТО МАЗ

Ҳақ тўлаш шакли — сўмда пул ўтказиш ва вексель билан.

Манзил: Тошкент, Кафанов-Нукус мавзеси,3.
Телефонлар:
54-99-19, 54-62-09
Факс: 54-88-11.



"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"- маҳсулотлар Тошкентдаги омбордан сотилади.

Нақлиёт ИИБ хабар қилади

ТУЗОҚҚА ИЛИНГАН ГИЁҲФУРУШЛАР

Жиззах — Пахтакор бекатлари оралиғида «Тозалаш» тадбирини ўтказаётган милиция ходимлари, Самарқанд — Уфа поездида кетаётган Жиззах шаҳрилик Д. Г. деган шахсни текширганларида унинг ёнидан 1 кило гиёҳванд моддасини топиб олдилар. Қора оғу савдогари қўлга олиниб, суриштирув ўтказиш учун Ховос шоҳбекати тармоқ ИИБга топширилди.

***

Сариосиё бекатида Душанбе—Копибодом поезди текширувдан ўтказилаётганда Тожикистон фуқароси Х. А. 700 грамм афюн моддаси билан қўлга олинди.

Шу куни Ховос—Тошкент электропоездида кетаётган Д. Х.нинг чўнтагидан ҳам 500 грамм наша топилди.

***

Андижон шоҳбекатида муқаддам судланган, Россиянинг Самара шаҳрида яшовчи Александр Деп-кин 1 кило марихуана моддаси билан ушланди. Шу жойда яна бир қора оғу савдогари қўлга тушди. Андижон шоҳбекати милиционерлари Қиргизов, Кумаков ва Охуновларнинг ҳушёрликлари туфайли 7 килою 550 грамм афюнни сумкасига солиб, бамайлихотир уз юртига қайтиб кетмоқчи бўлиб турган Людмила Глубина деган Россиялик аёл жиноят устида қўлга олинди. Минглаб одамларнинг умрига зомин бўлувчи заҳар-заққум йўқ қилинди.

Фахриддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
Нақлиёт ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходими.

"ПГС" КОРХОНАСИ

Юқори самарали, тежамли, ишлатилиши осон, махсус таълим ва жой талаб этмайдиган МИТТИ НОВВОЙХОНАЛАРНИ СОТАДИ.

Унда ёпиладиган маҳсулотлар (печенье, кулчалар, батонлар, нон ва бошқалар) сифатли ва мазалидир!

Кафолати — 12 ой.

Манзил: Тошкент, Халқлар дўстлиги кўчаси, 29. (Собир Раҳимов метро бекати.)
Телефонлар: 79-14-29 (кундузи), 53-58-82 (кечқурун).

«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» *қўшма корхонаси*
тегирмон вальцларини ва 50 кг., 15 кг. ун қопларини СОТАДИ.
Тўлов шакли пул ўтказиш, нақд ва векселлар бўйича.
Телефонлар: 67-77-41, 67-23-74

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими С. Сирожиддиновга отаси **РАМЗИДДИН ота**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ артисти **Кифоят Паясовна МУСЛИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0183

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22. 40.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА